

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ НУРИДДИН ХУСНИДДИНОВИЧ

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДА СОЛИҚ
ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

ТОШКЕНТ -2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I боб. Солиқ тизимининг моҳияти ва уни гуруҳлашнинг назарий асослари

- 1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, элементлари ва функциялари ... 8
- 1.2. Солиқ тизимининг таркиби ва уни гуруҳлаш 25

II боб. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг амал қилиш механизми

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқлар ўртасидаги нисбатнинг таҳлили 42
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар таркиби..... 55
- 2.3. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг амал қилиш механизми..... 68

III боб. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари

- 3.1. Ўзбекистон солиқ тизимида чет мамлакатлар солиқ тизими амалиётидан фойдаланиш масалалари..... 85
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари..... 93
- Хулоса ва таклифлар**..... 100
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**..... 103

Иловалар

«... Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим»

И.А. Каримов

Кириш

Магистрлик иши мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида истиқлол йилларида ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида босқичма-босқич мустақил солиқ тизими барпо этилди. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда жамиятимизда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда.

Солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсати доимий равишда жамият аъзоларининг манфаатларига бевосита ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатади. Бозор иқтисодиётига хос бўлган муносабатларнинг ривожланиши солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлишини тақозо этади. Бу борада Президентимизнинг 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида «Иқтисодиётни эркинлаштиришда, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари муҳим ўрин тутди»¹-деб таъкидладилар. Ўз навбатида, амалга оширилган ўзгаришлар тегишли шахслар томонидан ўзига хос тарзда идрок этилишини кун тартибига кўндаланг қилиб кўяди.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали натижаси ўлароқ янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ишлаб чиқилди ва 2008 йил 1 январдан кучга киритилди. Ушбу жараёни солиқ тизимидаги ижобий ўзгариш сифатида баҳолаш мумкин. Солиқ кодексимиз, жаҳон тажрибасини

¹ И.А. Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан. 13-бет

ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида тайёрланган бўлиб, унда асосан барча солиқ тўловчилар учун тушунарли бўлиши, солиқ кодексининг тўғридан-тўғри ишлашини таъминлаш, солиқ тизимини соддалаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш каби солиқ сиёсатининг такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига эътибор қаратилган.

Солиқ кодексимизда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилган.

Солиқлар мажбурийлик характерга эга бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг шундай бир нозик соҳаларини ўзида акс эттирадики, уларни ҳис қилишни тақозо этади.

Республикамизда амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотларнинг муваффақияти турли мулкчилик шаклларидаги иқтисодиёт субъектлари фаолиятларини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришга яратилган шарт-шароитларга узвий боғлиқдир. Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтириш (ривожлантириш) кўп жиҳатдан солиқ тизимига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг асосларини яратиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тобора ривожланиш ва бюджет муносабатларига таъсир этишнинг муҳим омили бўлган солиқ тизими ҳам шу тарзда ислоҳ этишни, унинг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишни талаб қилади. Солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда ва молиявий ҳолатни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимиз президенти И.А. Каримов ўзларининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарларида солиқ тизимига қуйидагича ёндашиб, Солиқ тизими ислохот жараёнининг тарихий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлгани ҳолда, иқтисодий ислохот мақсадлари энг кўп

даражада мувофиқ келиши шарт. Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани – фискал (хазина тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши керак»² - деб таъкидлайдилар.

Ушбу фикрлардан ҳам кўришимиз мумкинки, солиқ тизими иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқ тизими бюджет муносабатларининг муҳим зиддиятларидан бўлган унинг тақчиллиги ва тадбиркорликни ривожлантириш зарурлиги ўртасидаги зиддиятни ҳал этиши лозим. Солиқ тизими мулкчилик шаклидан қатъий назар иқтисодиёт субъектларининг самарали фаолияти учун шарт-шароит ва асос яратиб бериши, солиқ базасини такомиллаштириши ва унга тузатишлар киритиши лозим. Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади, уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади. Бозор инфраструктурасини солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уни солиқ тизимисиз тўла тарзда таркиб топган, кам-кўстсиз бозор инфраструктураси дейиш мумкин эмас. Бозор инфраструктурасининг тўлақонли фаолият кўрсатиши ҳам, кўп жиҳатдан, солиқ тизимини ўша инфраструктура таркибида борлигига боғлиқ.

Бу эса иқтисодий фанлар олдида янги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш вазифасини қўяди. Бу борада юридик шахслардан олинадиган (фойда) солиғи тизими тамойиллари ва механизми назарияси ҳамда уларни амалга оширишда бир қатор мунозаравий, фундаментал ва амалий тусдаги ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Солиқларнинг назарий асосини ўрганиш ва уни республикаимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилиш ҳамда ривожлантириш зарурати яққол кўзга ташланмоқда. Солиқ борасидаги ислохотлар иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида бир қатор умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишга ёрдам бериши лозим. Бу вазифаларга мамлакатнинг молия ва пул-кредит муносабатларини мустаҳкамлаш, иқтисодий субъектларнинг мулкчилик шаклларида ва

² И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» Т: «Ўзбекистон» 2000й.

хўжалик юритиш усулларида қатъий назар бозор муносабатларига мослашишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби долзарб муаммолар киради. Бу эса солиқ тизимини назарий ва амлий жиҳатдан тадқиқ ва таҳлил этишни, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклифларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан мазкур магистрлик диссертацияси мавзуи долзарбдир.

Магистрлик иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижий ва ўзимизнинг олимлар томонидан ўрганилган. Ушбу битирув малакавий иши мавзуси билан бевосита боғлиқ мавзуларда иш олиб борган классик иқтисодий олимлар А. Смит, Д. Риккардо, Ж.Б.Цейснинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари, давримизнинг энг кўзга кўринган олимлари А.А.Александрова, Д.Г.Черник, А.А.Дробозина, Ж.М.Кейнс, Е.Ж.Долон, А.Миффер каби иқтисодий олимларнинг илмий қарашларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги кунда Республикамизда шаклланган солиқ тизимига оид изланишлар олиб борган иқтисодчилардан И.Каримов, Э.Гадоев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, Қ.Яҳёев, Н.Ҳайдаров, А.Жўраев, М.Алимардонов, Ш.Шамсутдинова, Н.Кузиева, Ф.Бозоров, Б.Қодиров, ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур ишнинг мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикамиз солиқ тизимини назарий, амалий жиҳатдан кенг кўламда таҳлил этиш, солиқ тизимимизда чет мамлакатлар солиқ тизими амалиётидан фойдалана олинadиган томонларини очиб бериш, бу борада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг умумий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– солиқларнинг иқтисодий моҳияти, элементлари, принциплари ва функцияларига баҳо бериш, илмий - назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

- солиқ тизимининг ва уни гуруҳлаш тартибини ёритиш;
- Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбатни аниқлаш ва таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимидаги умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар таркибини ўрганиш;
- юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг амал қилиш механизмини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон солиқ тизимида чет мамлакатлар солиқ тизими амалиётидан фойдалана олинадиган томонларини баён этиш;
- Ўзбекистонда солиқ тизимидаги муаммолар ва уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ёритиш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг амалдаги ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириш борасида билдирган фикрлари ва назарий қарашлари, шунингдек мавзу доирасида мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг назарий қарашлари ушбу тадқиқотнинг назарий асослари сифатида эътироф этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари ва махсус йўриқномалардан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Мазкур тадқиқот иши - кириш, етти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Солиқ тизимининг моҳияти ва уни гуруҳлашнинг назарий асослари.

1.1. 1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти, элементлари ва функциялари

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Аввало, солиқ тушунчасига таъриф берсак, солиқлар бу *юридик ва жисмоний шахслардан конунларда белгиланган микдор ва муддатларда ундирилиб, давлат бюджетига тушадиган мажбурий туловни ифода этувчи пул муносабатларидир.* Бу муносабатлар иқтисодий, молиявий муносабатларнинг бир қисми бўлиб, у солиқ тўловчилар билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Солиқ муносабатлари ҳаракати чегараси солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат пул фондларига тушиши билан якунланади.

Агар эътибор берсак, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган янги Солиқ кодексининг 12-моддасига кўра солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагича таъриф берилган: солиқ деганда муайян микдорларда ундириладиган мунтазам, кайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади

Энди, корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, ишлар бажарганда ёки бозорларда товарларни олди-сотди қилганида ҳам пул тўловлари мавжуд. Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиш учун давлат мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

қийматини тақсимлаш йўли билан унинг бир қисмини мажбуран давлат фондларига (бюджетга) олиб қўйиш жараёни ҳаракат қилади. Бу ерда мулклар мулкдорлардан давлат мулкига айлантирилади. Демак, солиқ муносабатлари мулкӣ муносабатлардир.

Юридик ва жисмоний шахслар тўғридан-тўғри ер усти ва ер остидан сув олганда сув ресурсларидан фойдаланиш солиғини тўлайди, чунки солиқ суммаси давлат бюджетига тушиб давлат мулкига айланади. Агар, коммунал хўжалиги жисмоний шахслар ва юридик шахслардан совуқ сув ёки иссиқ сувдан фойдаланганлик учун ҳақ олса у солиқ эмас, балки шу сувни келтиришдаги хизматлар ҳақи ҳисобланади. Бу ҳақ коммунал корхона мулкидир.

Энди солиқларнинг ўзига хос белгиларини кўриб чиқсак, улар қуйидагилардир:

Биринчи белги – мажбурийлик. Солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини ёки мулклар қийматини мажбурий бадал (тўлов) сифатида бюджетга ёки бошқа давлат фондларига олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ Кодексининг тамойиллари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий томондан давлат учун кафолатланган.

Иккинчи белги – солиқларнинг (тўловларнинг) давлат мулкига айланишидир. Солиқлар албатта хазинага давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фондларига тушади. Бу ерда солиқ тўловчининг мулки давлат мулкига айланади. Борди-ю, тўлов бошқа ихтиёрий фондлар – «Истеъдод», «Экосан», «Камолот», «Нуроний»га ихтиёрий ўтказилган, унда солиқ муносабати бўлмайди. Чунки у давлат мулкига ўтмайди.

Учинчи белги – солиқлар қатъий белгиланган, доимий ва узлуксиз ҳаракатда бўлади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар бўлади. Илмий асоси қанча чуқур бўлса, таҳлили кучли, оддий бўлса, солиқлар шунча қатъий ва узоқ ўзгармай ҳаракатда бўлади ёки деярли ўзгармайди.

Тўртинчи белги – солиқлар эквивалентсиз пул тўловидир. Тўланган солиқлар мамлакат миқёсида давлат хизматлари орқали ҳамма жамият аъзоларига қайтиб келади, лекин алоҳида шахс нуктаи назаридан қараганда, давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ келмайди. Масалан, солиқ тўловчи бу йилда давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлса ҳам, солиқни тўлиқ тўлайверади. Кейинги, йиллар бошқаларга нисбатан давлат хизматларидан у кўпроқ фойдаланади. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларининг тўлаган солиқ ва тўловлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (ижтимоий, маданий тадбирлар, мамлакат мудофааси, хавфсизликни таъминлаш, тартиб-интизом ўрнатиш ва бошқа ижтимоий – зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади, баъзан ортиғи билан қайтиб келади (бюджет дефицитлиги ҳисоботидан).

Бешинчи белги – солиқ тўловчилар нуктаи назаридан олганда ҳамма солиқлар бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг солиқ тўловчиларга (бутун жамият аъзоларига) кўрсатган ижтимоий – зарурий хизматлари учун тўланадиган тўлов (ҳақдир).³

Агар солиқларнинг моҳиятига эътибор берсак, солиқлар қонун билан белгиланади, давлат мулкига айланади, солиқ тўловчилардан ундирилади, мажбурий тўлов ва улар пул муносабатини ифода этади. Солиқлар иқтисодий категория, улар бозор иқтисодиёти муносабатларини, улар ичида энг муҳими молиявий муносабатларни акс эттиради. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиётдир, яъни ҳар бир ҳуқуқий шахс ёки хусусий тадбиркор ўзи ишлаб чиққан товарига ўзи баҳо белгилайди, маҳсулот етказиб берувчи, товарни сотиб олувчини ўзи белгилаб, товарни эркин сотиш ҳуқуқига эгадир. Шунинг учун давлат уларнинг бир қисм даромадларини оддий йўл – ажратма йўли билан олиб қўя олмайди. Бозорнинг олди - сотди қонуни бунга йўл қўймайди. Солиқ тариқасида мулкнинг бир қисмини олиш учун махсус қонун

³ Қ.Яҳёев, Б.Ҳайдарова «Солиқ тизими» ©ТБҲКК 2007 й. 8-9 бетлар.

хужжатлар керак бўлади. Бозор шароитида ҳуқуқий қонун асосида олинган тўлов солиқ бўлиб, бюджетга ёки бошқа махсус фондларга тушади.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларнинг амал қилиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи индивидларнинг ҳаммаси ҳам реал секторда (ишлаб чиқариш соҳасида) фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки шуғулланиш иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошқ.) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришни табиий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Умуман олганда, солиқларнинг объектив зарурлигини бозор иқтисодиёти шароитида икки ҳолат билан асослаш мумкин.

Биринчидан, давлатнинг бажарадиган қатор, хилма-хил вазифаларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг зарурлигидан.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонунлари ҳаракатидан.

Аввало айтиш лозимки, давлатнинг бажарадиган муҳим функциялари ва вазифалари кўп. Уларнинг баъзилари бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан эскириб, йўқ бўлиб боради ва уларнинг ўрнига баъзи янги вазифалар пайдо бўла боради. Масалан, маъмурий буйруқбозлик даврида давлат халқ хўжалигини ҳамма соҳасига аралашар эди. Илгари давлат халқ хўжалигининг ҳамма соҳасининг молиялаштиришни ўз зиммасига олиб, корхоналар эркинлигини бўғиб қўяр эди. Бозор иқтисодиёти шароитида унга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир республикамизда хилма-хил мулк шакллари (давлат, хусусий, шахсий, жамоа ва аралаш) шаклланган, улар фаолиятларига давлатнинг ҳадеб аралашувини ёқтирмайди, қабул қилмайди. Бозор

иқтисодиётида ҳар бир хўжалик субъекти эркин фаолият кўрсатади, бутун фаолиятига ўзи жавоб беради. Давлатнинг улар фаолиятига аралашуви фақат конун йўли билан, асосан солиқлар орқали бўлади.

Давлат бюджети маълумотлари шуни кўрсатадики, ҳамма солиқлар ва тўловлар бюджетга тўлиқ тушган ҳолларда ҳам давлатнинг кўп қиррали ва зарурий харажатларини тўлиқ молиялаштиришга етмайди. Бюджет даромадларининг харажатларга етмаган қисми (дефицит) давлатнинг қимматли қоғозлари, Марказий банкнинг қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан ва бошқа манбалардан қопланади. 2004 йилдан бошлаб бюджет харажатларининг 50 фоизидан ортиқ қисми ижтимоий соҳаларга сарфлаш мўлжалланган. Харажатлар таркибида марказлашган инвестицияларга харажатлар салмоғини пасайтириб, бюджет дефицитлиги ҳам абсолют суммада, ҳам нисбий (фоизларда) камайтириш мўлжалланган. Булардан хулоса шуки, солиқ тўловчилар давлат бюджети ва бошқа фондлардан ўзлари тўлаган тўловлардан ҳам кўпроқ маблағлар олар экан. Шунинг ҳам эсда тутиш лозимки, давлат туғма ногиронларга, уруш ногиронларига, ёш оналар, кўп болали оналарга, улар шу даврда давлатга ҳеч қандай тўлов тўламаса ҳам ўзининг фондларидан пенсиялар, нафақалар, ёрдамлар кўрсатиб боради. Шундай қилиб, бозор шароитида тўланган солиқлар уларнинг тўловчиларига давлат хизматлари орқали ортиғи билан қайтиб келади. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар алоҳида бир шахсга эмас, балки жамиятнинг ҳамма аъзоларига қайтиб келади.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган *молиявий маблағлар шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас*. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар ҳам амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат. Ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларни иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифларни таҳлил қилиш уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиётлар жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиқ қонунчилигига асос бўлган солиқ тамойилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият, тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келинган. Давлат тузилиш шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш усуллари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келинган. Масалан, Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти тарихида солиқлар аҳолидан шахсий мол-мулк, ердан олинган ҳосил, уй ҳайвонлари ва бошқалар учун «закот» сифатида олинган.

Солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар ҳисобига давлат молиявий ресурслари ташкил топади. Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш самарали давлат иқтисодий сиёсатини олиб боришга, хусусан, молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Биз солиқларни иқтисодий моҳиятини тўлиқ тушунишимиз учун, даставвал солиқ сўзининг тарихан мавжуд бўлган иқтисодий маъносини тўғри тушуниб таҳлил қилиб олишимиз лозим.

Ҳозирги вақтда солиқлар воситасида давлат даромадларининг асосий қисми шакллантирилади. Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг билвосита қуроли ҳисобланади.

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни ифодалаш мумкин:

- а) солиқларни белгилаш ҳуқуқи фақат давлатнинг қонун чиқарувчи олий органи – *Олий Мажлисга* берилади;
- б) солиқни фуқаро эмас, *мулкдор* тўлайди;
- в) солиқ *давлат бюджетига* даромад олиш учун белгиланади;
- г) солиқ тўлаш *мажбурий* хусусиятга эга.

Демак, солиқлар - бу бюджетга тушадиган пул ва қонунда белгиланган мажбурий муносабатлардир. Солиқларнинг мажбурийлиги Олий мажлис билан тасдиқланган ҳуқуқий ва меъёрий қонунлар билан таъминланади. Шундай экан, солиқларни тўламасликка, солиқ объектини яширишга, солиқ суммасини камайтириб кўрсатишга на ҳуқуқий ва на жисмоний шахсларнинг ҳаққи йўқ.

Солиқ тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай:

- Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга;
- Ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга;
- Рақобатбардош маҳсулот ҳиссасини кўпайтиришга;
- Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга;
- Хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфраструктурасини барпо қилишга;
- Умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва бошқаларга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш тамойиллари ва усуллари ўргатади. Ушбу янги Солиқ кодексининг 24-30 моддалари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементларига бағишланган. Унга кўра солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилардир:

Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ставка, ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, тўлаш тартиби.

Бу элементлар бир-бири билан боғлиқдир. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади. Солиқ тўловчилар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан белгиланади.

Солиқ солиш объекти - солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижасидир.

Солиқ солинадиган база - солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

Ставка - солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди. Солиқ ставкаси икки усулда белгиланади: қатъий ставкаларда (сўмларда) ва нисбий ставкаларда – фоизларда ифодаланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда бюджет инфляциядан кўп маблағ йўқотмайди. Агар ставка сўмларда ҳисобга олинса, солиқлардан тушган бюджет даромади йил охирига бориб, ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмайди.

Солиқ ставкаларининг турлари. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқлар ставкаларининг қуйидаги турлари амал қилади: **пропорционал,**

прогрессив ва нолли ставкалар 1995 йилда **регрессив ставкани** қўллаш тажрибаси бор эди. Аммо, кейинги йили тугаб кетди. 2002 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича асосий ставкага пропорционал ставкага қўшимча регрессив ставка (имтиёз тариқасида) қўлланила бошланди.

Пропорционал солиқ ставкасида – объект қандай бўлишидан қатъий назар, бир хил улушдаги (пропорцияда) солиқ тўланади. Масалан, ҚҚС бўйича маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) оборотига 20 фоизли ставка белгиланган бўлса, оборот 10 минг сўм бўлса ҳам, 100 минг сўм бўлса ҳам ҳаттоки миллион сўм бўлса ҳам ставка 20 фоиз тура беради, яъни улуш ўзгармайди. Бу ставка ҳамма солиқ тўловчилар учун бир хил бўлишини билдиради, давлатнинг солиқ объектидаги ҳиссаси ўзгармайди.

Прогрессив солиқ ставкасида – эса даромад, объект кўпайиб бориши билан солиқ ставкаси ҳам ёнма-ён ўсиб боради. Бу бизнинг солиқ қонунчилигимизда фақат жисмоний шахсларнинг даромад солиғида қўлланилади. 2007 йилдан бошлаб минимал иш ҳақи 5 баробарига тенг қисмига 13 фоиз, ундан ошган 5 баробарлик қисмига 18 фоиз ва 10 баробаридан ошган қисмига 25 фоиз солиқ ставкаси белгиланган. Ҳозирги асосий чегирма йўқ вақтида бу ставка ҳазинавий нуқтаи назардан салмоқлидир. Аммо иқтисодий ривожланиш нуқтаи назардан унчалик яхши эмас. Бу ставка ишчиларни кўпроқ ишлаб кўпроқ даромад олишга, меҳнат унумдорлигини оширишга яхши қизиқтирмайди. Бу ставканинг йилдан йилга камая бориши, бу камчилиқни бартараф этишга қаратилган. Ҳозирги кунда бундай ставкани қўллашдан мақсад пул инфляциясини жиловлаш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва бюджетга салмоқли даромад тушишини кўзда тутати.

Нолли ставка чет эл мамлакатлари амалиётидан фойдаланиб, бизда ҳам ҚҚС экспортга товар ортганда ва четдан товарлар келтиришда (қурилиш материалларига) нолли ставкани 1998 йилдан қўлланилмоқда. ҚҚС бўйича нолли ставка экспортга товарлар (ишлар, хизматлар) кўрсатилганда, элчи

хоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортилганда қўлланилади. Қизиғи шундаки, илгари ҳам шу маҳсулотларга ҚҚС солинмас эди, озод эди. Бироқ, шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетган хом-ашё, ёқилғи, электр қуввати учун маҳсулот етказувчиларга тўланган ҚҚС ҳисобга олинмас эди. Нолли ставкада эса маҳсулот етказувчиларга тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинади. Нолли ставка маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш учун жуда яхши, чунки ўз маҳсулотига ҚҚС ҳисобламайди, олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинади. Шу ерда ўз маҳсулотларини тамомила экспортга чиқарадиган корхоналар бўйича катта муаммо пайдо бўлди. Корхона ўзи ҚҚС тўламаганлиги сабабли бу солиқдан катта манфий фарқ пайдо бўларди, ҳозир бу фарқни бюджетдан қайтариш амалиёти қўлланила бошланди. Бу ставка ҚҚСни ҳақиқатдан ҳам бетарафлигини кўрсатади, иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий ривожланиш мақсадида бошқа солиқлардан ҳам нолли ставкалар қўллаш амалиётини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Регрессив - солиқ ставкасида даромад ёки объект ошиб бориши билан солиқ ставкаси камайиб бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Масалан, юридик шахсларнинг фойда солиғида, мол-мулк солиғида экспортга товар ишлаб чиқариб, ЭАВда сотган юридик шахслар умумий ишлаб чиқарган муҳсулотларга нисбатан экспорт ҳиссасига қараб камайтирилган солиқ тўлайдилар (30 ва 50 фоизга). Бу 2002 йилдан киритилган сиёсат бўлиб иқтисодий ривожланишга катта наф келтиради.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби - солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Солиқ кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда эса, солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш мажбурияти давлат солиқ хизмати органи ёки солиқ агенти зиммасига юклатилиши мумкин.

Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир. Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.

«Солиқлар ривожланган товар ишлаб чиқаришнинг муҳим категорияси бўлиб, албатта янада кенгроқ категория - давлат бюджети билан чамбарчас боғланган. Чунки солиқлар бюджетнинг шаклланишида иштирок этади».⁴

Солиқлар молиявий ресурсларни давлат ихтиёрида тўпланиб боришини таъминлайди, бу ресурслардан иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, минтақавий вазифаларни ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб даромадларни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Категория функциясиз бўлмайди, функция категориясиз бўлмайди. Демак, функция солиқнинг ўзи сингари объективдир. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб, эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳолатлар солиқ функцияси бўла олмайди. Демак, категория функцияси доимий, қатъий, узлуксиз такрорланиб турадиган воқеъликни ифодалайди. Воқеъликлар вақтинчалик, бир марталик, ўткинчи бўлса, бу функция эмас, вазифа бўлади. Шунини айтиш керакки, солиқлар давлатнинг белгилаб берган ҳар қандай вазифаларини бажара олади. Аммо бу ерда функция йўқ, вазифа бор. Шундай услубий ёндашишдан келиб чиқиб, солиқлар функциясини аниқлаш керак. Функция бизнинг ихтиёримиздан ташқари объектив ҳаракат қилади. Уни тўғри англаб, иқтисодиётда шунга қараб


⁴ Ваҳобов А., Срождидинова З. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети». ТМИ 2002, 115 б. 36 - бет.

ундан фойдаланиш зарур. Функция ва вазифани фарқига етиш лозим. *Функция доимий, вазифа эса ўткинчидир.* Шундай услубий ёндашилса бахslashувлар ҳам тугаши ёки камайиши мумкин.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта бахslashувлар мавжуд, ягона фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискаль, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари бор деб таъкидлайдилар. Аммо бир гуруҳ олимлар, шу жумладан профессор Йўлдошев М. ўзининг “Солиқ ҳукуқи” китобида солиқларга бир қанча функциялар хослигини гапириб ўтганлар. Бошқа иқтисодчилар фискаль, тақсимлаш, тартибга солиш, рағбатлантириш, чеклаш, назорат-ҳисобга олиш функциялари бор деб ёзадилар. Зеро, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодиётнинг барқарорлигига ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади”⁵ - деб таъкидлайдилар.

Бизнинг фикримизча, солиқларнинг учта функцияси бор, қолганлари уларнинг вазифаларидир. Булар 1.1-чизмага кура: **тақсимлаш (фискаль), назорат ва ахборот бериш функциясидир.**

1.1-чизма



Солиқларнинг фискаль (ҳазина) функцияси ҳақиқатдан ҳам мавжуд, чунки солиқлар охири оқибатда давлатнинг бюджетига ёки бошқа фондларига тушади. Бу воқеълик яққол кўзга кўриниб турганлигидан аксарият амалиётчилар шу функцияга тирмашиб олишган. Ҳақиқатда эса воқеълик кенг. Агар чуқурроқ фикр

⁵ И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Т. “Ўзбекистон” 1995 й. 204 б.

юритсак мамлакатда яратилган ЯИМ қиймати ёки аниқроқ айтсак корхонадаги даромадларни аввал тақсимламасдан, тўғридан-тўғри бюджетга ўтказиб юбориш ҳолати бўлмаслиги керак. Чунки, аввало томонлар манфаатларини ҳисоблаб чиқиш керак. Аввало ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаб, сўнг даромаддан бир қисмини хазинага олиш зарур. Шунинг учун, хазина функциясини тўлиқ ва кенг маънода тақсимлаш (хазина) функцияси десак тўғри бўлади. Бу функция бажарилаётганда А. Смит, Либерманлар айтганидек солиқ тўловчиларнинг тўлаш имкониятини ҳам эътиборга олиш зарур.

Энди рағбатлантириш ва бошқариш функциясига келсак, уларни воқеълик доимо такрорланиб турмаганлигидан солиқ функцияси эмас, вазифаси деб қарамоқ керак. Давлатнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиқиб, солиқлар вақтинчалик вазифаларни бемалол бажараверадилар. Масалан, 1995 йил Республика Президентининг фармони билан корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширса солиқдан 0,3 фоиздан имтиёз олиш мўлжалланган эди. Йил тугаши билан бу имтиёз бекор қилинди. 2003 йилда корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулоти умумий ҳажмидан 50 фоиздан кўпроғини экспортга сотиб ЭАВ олса, мол-мулк солиғидан тўлиқ озод этилар эди. 2004 йилдан бошлаб, бу имтиёз бекор қилинди. Чунки имтиёзларни доимий қилиб белгилаб бўлмайди, акс ҳолда солиқ категориясига путур етказилиб, унинг категория эканлиги хавф остида қолади, ишлар мураккаблашади.

Солиқларнинг назорат функцияси ҳақиқатдан ҳам доимий ҳаракат қилади. Лекин, бу функция тақсимлаш функцияси билан ёнма-ён бир даврда ҳаракат қилади ва даромадларни тўғри тақсимланаётганлиги, солиқларни тўғри ҳисоблаб ўз вақтида бюджетга тушаётганлигини назарий жиҳатдан ифодалайди. Назорат функцияси солиқ идоралари ишининг ривожланиш асосидир. Солиқларнинг ҳали республикамиз иқтисодчилари томонидан очик тан олинмаган яна бир функцияси бор. Илгари айтганимиздек, солиқлар Олий Мажлис томонидан очикдан-очик белгиланади. Эркин иқтисодиётда солиқлар ҳам эркин бўлади. Солиқлар иқтисодиётдаги ҳамма ўзгаришларни ўзида ифодалаб, унинг аҳволи

тўғрисида хабар бериб туради. Иқтисодиётда даромадлар, мулклар кўпайиши солиқларнинг ҳам кўп тушишидан ахборот бериб боради, таъминлайди. Тўпланган солиқлар албатта харажатлар миқдорини ҳам кўрсатиб туради. Чунки давлат харажатлари бўлмаса солиқ бўлмайди. Шу функцияни моҳиятидан келиб чиқиб солиқларда ҳамма нарса очик - ойдин бўлиши керак. Шундай ҳолда уларнинг давлат фондларига тушуми кўпаяди. Шуларни ҳисобга олиб айтмоқчимизки, солиқларнинг иқтисодиёт аҳволи тўғрисида ва давлат харажатлари тўғрисида ахборот бериш функцияси бор. Бу функцияси орқали улар даромадлар ва харажатлар ҳажми, харажатлар давлатнинг қандай вазифаларига сарфланаётганлиги тўғрисида ахборот бериб туради. Бундай ахборот жуда зарур. Чунки солиқ тўловчилар шундай очик ахборотларга эга бўлсалар солиқлар ва тўловларни тўлиқ тўлашга тезда рози бўладилар.

Солиққа тортиш тамойиллари борасида сўз кетганда, тамойилларни ҳар бир иқтисодчи олим ёки алломалар ўз замонларидан келиб чиқиб ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар. Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Тузуқлари»да солиққа тортишнинг тўрт тамойилини ишлаб чиққан. Префессор Ҳ. Р. Собиров унга катта баҳо бериб, А. Темур ишлаб чиққан тамойиллар А.Смит ишлаб чиққан тамойиллардан тўрт аср аввал айтиб ўтилган, деб кўрсатади.

А. Темурнинг солиқ бўйича асосий тамойилларидан бири амалда ҳосил йиғиб олингандан сўнг, солиқ солиниши зарурлигидир. Бунда суғориладиган ерлардан хазинага ҳосилнинг учдан бир қисмини, суғорилмайдиган майдонлардан эса тўртдан бир қисмини ундириш кераклигини таъкидлайди. Шу тамойилдан келиб чиқиб, солиқлар ҳақиқий даромад (ҳосил) олингандан сўнг олиниши лозим. Бўнак тўловлар иложи борида тугатилиши керак.

Иккинчидан, даромадларни ҳаддан ортиқ солиқлар билан қамраб олмаслик ҳусусида гапириб ўтган.

Учинчидан, солиқ олишда солиқ тўловчининг имконияти ҳам эътиборга олиниши лозим.

Тўртинчидан, солиқ ундириш жуда оддий усулда олинарди. Масалан, суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларга қараб ставка белгиланарди.

Сиёсий иқтисод отаси Адам Смит 1776 йилдаёқ ўзининг “Миллатларнинг бойлиги” асарида солиққа тортишда иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган қуйидаги тўрт оддий тамойилларни баён қилган:

Солиққа тортишнинг тенглиги, солиққа тортишнинг мақбуллиги, солиққа тортишнинг қулайлиги, солиққа тортишнинг арзонлиги.

Немис олимларидан Жон Стюарт, Б. Иозеф, Э. Штигельц ва бошқалар ўз асарларида асосан юқоридагига ўхшаш тамойилларни айтиб ўтганлар. Кельн солиқ ҳуқуқи институти доктори, профессор Йохим Ланг солиққа тортишнинг «мумтоз» ва «замонавий» тамойилларини таҳлил қилиб ва уларни ижобий ҳамда заиф томонларини таққослаб, солиққа тортишнинг беш тамойилини ишлаб чиқди ва солиққа тортиш ҳақидаги Европа Иттифоқи Кодекс лойиҳасига киритди. Улар қуйидагилардир:

Тенглик ва самарадорлик, солиққа тортишнинг аниқлиги ва мақбуллиги, солиққа тортишнинг арзонлиги, солиққа тортишнинг хазина самарадорлиги ва қайишқоқлиги, солиққа тортишнинг ижтимоий адолатлиги.

Бугунги кунга келиб, ушбу тамойил тушунчаси ўрнини принцип атамаси эгаллади. Аввалги Солиқ кодексидан фарқли ўлароқ янги қабул қилинган Солиқ кодексимизда солиққа тортиш тамойиллари солиққа тортишнинг принциплари сифатида (6-11 моддалар) кўрсатиб ўтилган. Унда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари *солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси* принципларига асосланиши, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари Кодексда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. (5-модда). Улар қуйидагилардан иборат:

1. *Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи.* Ҳар бир шахс Солиқ кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши

шарт. Яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Солиқ амалда белгиландими, уни тўламасликнинг ҳеч иложи йўқ.

Айтиш керакки, ҳеч кимнинг зиммасига Кодексад назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

2. *Солиқ солишининг аниқлиги принципи.* Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак.

3. *Солиқ солишининг адолатлилиги принципи.* Солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди. Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш мулкчилик шаклидан қатъий назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

4. *Солиқ тизимининг ягоналиги принципи.* Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона бўлиши керак.

5. *Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги принципи.* Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Агарда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган бўлса, улар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилмайди.

6. *Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи.* Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча карама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади⁶.

Ушбу принципти ижобий янгилик сифатида баҳолаш мумкин, чунки олдинги Солиқ кодексимизда бунақа тушунча мавжуд эмас эди. Солиққа тортиш принциплари ва солиқ қонунчилиги принциплари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ амалиётга тадбиқ этиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим асосидир.

⁶ Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИ» N ЎРҚ-136 25.12.2007 й. 5-модда.

1.2. Солиқ тизимининг моҳияти ва уни гуруҳлаш тартиби.

Аввало солиқлар тизими ва солиққа тортиш тизимларининг фарқини айтиб ўтмоқ зарур.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси *солиқ тизимини* ташкил этади. Бу таъриф солиқ тизимини кенг маънода тушунишдир. Ёки *Солиқлар тизими* - моҳияти жиҳатидан бир хил, ўзаро боғлиқ бўлган, давлат бюджети ва бошқа давлат фондларига тушадиган солиқ турларининг йиғиндисидир, деб аташ мумкин. Солиқ тизимига нисбатан бундай ёндашувни айрим адабиётларда ҳам келтирилганлигини таъкидлаш ўринли. Қайд этилган таърифда солиқ ва йиғимлар ягона моҳият, яъни «мажбурий характерга эга бўлган муносабат» ва уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ниҳоят бюджетга тушишлигини кўрсатади.

Қонун чиқарувчи органлар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари йиғиндисига *солиққа тортиш тизими* деб аталади.

Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ўз ичига олади. У асосан солиқ ундиришни ташкил қилиш масалаларини ўргатади. Бу тизимнинг роли ва структураси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими билан аниқланади.

Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси мазмунига мос келади. Шу ерда баҳсли масала ҳам мавжуд, яъни давлатнинг бюджетдан ташқари фондларига (пенсия, ижтимоий суғурта, бандлик, йўл фондлари ва бошқалар) тўловларни ҳам мажбурийлик нуқтаи назардан солиқ тизимига киритиш муаммоси мавжуд.⁷

Чунончи, мажбурийлик нуқтаи назаридан солиқ тўловчилар учун уларнинг мулклари қайси фондга ўтишидан қатъий назар солиқдир. Демак, бошқа фондларга тўловлар ҳам солиқлар тизимига киради. Ўзбекистон

⁷ Яхёев Қ. «Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти». Т. «Ғафур Ғулом» 2004 й. 31 бет.

Умуман олганда, солиқ тизимини таркибан солиққа тортиш принциплари, солиқ сиёсати, солиққа тортиш тизими, солиқ механизми кабиларга ажратиш мумкин. Ушбу элементлар бевосита мамлакатда амал қилаётган солиқларнинг таркибини белгилаб беради.

Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йилларида солиқларни ислоҳ қилиб солиқ сиёсатини олиб бормокда, яъни 1991 йилдан бошланган Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизимини ислоҳ қилиш каби сиёсати тарихини уч босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич. 1991-1994 йиллар. Ўзбекистон солиқлар тизимининг ташкил этилиши, бюджетни даромад қисмини солиқлар билан таъминлаш.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонун Республика солиқлар тизимига асос солган дастлабки қонун бўлди. Бошланғич босқичда солиқ идоралари хазинавий масалаларни ҳал этиш, яъни бюджетнинг мувозанатга эришувини таъминлашга йўналтирилган эди. Аммо, ҳаёт солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этарди. Ушбу босқичда асосан солиқ тизимини ривожлантириш учун зарур бўлган қонунлар ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич. 1995-1997 йиллар иқтисодий шароитларнинг ўзгариши ва юридик шахсларга солиқ юкини камайтиришга бўлган ҳаракатлар.

1994 йил 30 ноябрда Президентимизнинг юридик шахслардан ундириладиган солиқлар миқдорини камайтира бориш ва ишлаб чиқаришни солиқлар орқали рағбатлантириш тўғрисидаги фармони қабул қилинган эди. Шу фармонга биноан 1995 йил 1 январдан бошлаб корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирганларида 0,3 фоиз фойдага солиқ ставкаси камайтириладиган бўлди. Аммо бу имтиёз 1996 йилдан бекор қилинди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш солиқлар тизимини ислоҳ қила боришни талаб этади. Кўплаб корхоналар ва ташкилотларни фойдага солиқ тўлашдан даромадга солиқ тўлашга ўтказилди. Унинг ўртача ставкаси 37 фоиз қилиб белгиланди. Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар тизими кўзда тутилди. 1995 йилдан бошлаб солиқлар тизимини бир хиллаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бир қатор кам самарали солиқлар бекор қилинди. Буларга: республика ташқарисига олиб чиқариладиган хом-ашё ресурслари учун солиқ, ҳисобланган амортизациядан 30 фоизли бюджетга тўлов ва бошқалар мисол бўлади.

Учинчи босқич, 1997 йилдан кейинги йиллар, яъни солиқ ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда солиқларни унификация қилиш босқичи деб аташ мумкин.

Солиқлар тизимининг ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий ислохотлар билан ҳамқадам бораётганлигини айтиб ўтишга ҳожат йўқ.

1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тасдиқланиши солиқлар тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирга қадар амалга оширилаётган учинчи босқичининг бошланиши бўлган эди. Бу босқичда юридик шахсларга, биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес учун солиққа тортиш, ҳисобга олиш ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизимини барпо этишга эришилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий асосда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар жамламаси ўрнига ягона солиқ тўлай бошладилар. 2002 йилдан бошлаб давлат солиқ сиёсатида тўғри солиқлар солмоғини камайтира бориш ва эгри солиқлар солмоғини оширабориш сиёсати юргизила бошланди. Шу билан бирга солиқ қонунчилиги такомиллаша борди, ҳамма солиқлар бўйича йўриқнома ва низомлар қайтадан ишлаб чиқилди. 2003 йилдан бошлаб кам самара берадиган, бюджетга тушишни қийинлаштирадиган қуйидаги солиқ ва тўловлар бекор қилинди: реклама ва автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиқлари, меъёрдан ортиқ сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиғи учун ҳақ,

табиатни ифлослантирувчи моддалар ва чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлардир.

2003 йилдан бошлаб 2002 йилнинг иккинчи ярмида жорий этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан ягона солиқ жорий этилган эди. 2004 йилдан бошлаб эса улар учун яна ялпи даромаддан солиқ ва мол-мулк солиғи тикланди. 2002-2003 йилларда тадбиркорликни рўйхатдан ўтказишнинг янги тартиби ишлаб чиқилди. Шу мақсадда ҳокимиятлар қошида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси тузилди. Бу инспекцияга рўйхатга олиш тартибини ихчамлаштириш ва тезлаштириш вазифалари юклатилди. Кейинги йилларда ободончилик йиғими инфратузилма солиғига қўшилди. Йилдан йилга ягона ижтимоий тўлов ставкалари камайтириб борилди (2006 йилда 25%, 2007 йилда 24 %). 2006 йилдан экология солиғи бекор қилнди, савдо қилиш учун йиғим ҳам тугатилди.

2007 йил 1 январидан бошлаб тижорат банклари 17 фоизли ставкада фойда солиғини тўлайдиган бўлдилар(илгари улар даромад солиғи тўловчиси эдилар). Бунда фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан 2006 йилда иш ҳақи бўйича чегирилмайдиган харажатлар чиқариб ташланади. Мазкур йилдан бошлаб фойда солиғининг барча тўловчилари учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида чегириладиган харажатлар рўйхати ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар чегарасида кенгайтирилди, хусусан, унга қуйидагилар киритилди:

- реклама харажатлари;
- телекоммуникациялар хизматлари учун тўлов;
- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар;
- солиқ тўловчининг балансида турган соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, болалар дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими

муассасалари, шунингдек, уй-жой фонди объектларининг таъминоти бўйича харажатлардан иборат.

Манимча, ушбу Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда ЎРҚ-136-сон қонуни билан тасдиқланган, 2008 йил 1 январдан кучга киритилган янги таҳрирдаги солиқ кодексининг қабул қилинишини янги *тўртинчи босқич* сифатида қараш мумкин.

Айтиш мумкинки, солиқ сиёсатини олиб боришда асос бўлиб хизмат қилган олдинги Солиқ кодексимиз бугунги кун солиқ сиёсатини олиб бориш доирасидаги талабларга жавоб беролмай қолди, чунончи Президентимиз И.А.Каримов ҳам буни шундай фикр билдириб, «1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислохотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермайди, шу муносабат билан Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатасини жалб қилган ҳолда, амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуктаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлашлари ва тасдиқлаш учун киритишлари зарур»⁸ – деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Солиқ Кодексининг қабул қилиниши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди ва солиққа тортишнинг барча асоси бўлувчи ҳуқуқий меъёрларни ягона ҳужжатга тўплади. Жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида тайёрланган Солиқ кодексимизда кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Мазкур солиқ

⁸ И.А. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2005 йил 28 январь. 60-62 бетлар.

кодекси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган барча солиқ ва тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартибини белгилайди. Аввалги Солиқ кодексидан фарқли равишда, ушбу янги таҳрирдаги солиқ кодексимиз 2 қисм, 21 бўлим, 64 боб ва 392 моддадан иборат бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш, назорат органлари текширувларини тартибга солиш, солиқ тўловчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Солиқ кодексининг таркиби, аввало умумий ва махсус қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда умумий қоидалар, иккинчи бўлим солиқ мажбуриятларини бажариш, учинчи бўлим солиқ назорати ва тўртинчи бўлим солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликлардан ва бошқалардан иборат. Унда солиқлар ва тўловларни тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш жорий қилинди ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ҳам қайта кўриб чиқилди. Ушбу йилда амалга оширилган солиқ тизимидаги ўзгаришлар борасида сўз юритадиган бўлсак, мамлакатимиз солиқ тизимини либераллаштириш сиёсатининг асосий мақсади солиқ юкини камайтиришга қаратилган. Агар умумий оладиган бўлсак, охириги 7 йил давомида солиқ юки 40 % дан 27 % гача туширилди. Жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш ставкаси ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди ва солиқ солинадиган базанинг энг кам миқдори 5 баробардан 6 баробаригача оширилди. Фақат 2000-2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни фермерлар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилди.

Олдинги солиқ кодексида барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар фақат қонун ҳужжатлари томонидан жорий этилиши кўзда тутилган. Бугунги кунга келиб эса янги солиқ кодекси бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, солиқ турлари бўйича ставкалар Президент томонидан белгиланиши назарда тутилган. Яна шуни янгилик сифатида

таъкидлаш мумкинки, солиқ кодексида тадбиркорлар, умуман солиқ тўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари янада кенгайтириди, солиқ муносабатларини юритишда қўшимча имтиёзлар яратилган, солиқ тўловчиларни ҳақлиги презиумпцияси, солиқ назорати, солиқ текширувлари мазмун моҳияти илк маротаба конун доирасига киритилди. Ушбу солиқ тўловчиларни ҳақлиги презиумпциясига мувофиқ солиқ қонунчилигидаги барча ҳал бўлмаган зиддиятлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчилар фойдасига ҳал этилади.

Шулардан келиб чикиб, Солиқ кодексининг амалий ижросини диққат билан ўрганиш, унинг қандай шароитларда самара бераётгани, қайси ҳолатларда эса уни янада такомиллаштириш ёки тузатиш киритиш зарурлигини аниқлаш жуда муҳим.

Президентимиз қўшимча қилиб, «Шу муносабат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга янги солиқ қонунчилигини амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш бўйича махсус Идоралараро гуруҳ ташкил этиш ва зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг айрим моддаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш»⁹ масаласини таъкидлаб ўтдилар. Қуйидаги 1-чизмада Ўзбекистон солиқлар тизимининг бугунги кундаги таркиби келтирилган. Чизмадан кўриниб турибдики, олдинги солиқ кодексида фарқли ўларок, ҳозирги кундаги янги солиқ кодексининг фақат 23-моддасида умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг таркиби келтирилган ва жами солиқлар ва йиғимлар 20 дан ортиқ ҳар хил номларга эга. Аммо олдинги солиқ кодексни оладиган бўлсак, унинг 6 ва 7 моддалари умумдавлат ва маҳаллий солиқ тизимига бағишланган эди.

⁹ Ислон Каримовнинг 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

Ўзбекистонда солиқлар тизимининг бугунги кундаги таркиби *

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
1. Юридик шахслар фойдасига солиқ. 2. Жисмоний шахслар даромадига солиқ. 3. ҚҚС 4. Акциз солиғи 5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ 6. Божхона тўловлари 7. Жисмоний шахслар четдан товар келтиргандаги ягона божхона тўлови 8. Давлат божи 9. Қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғими 10. ДАН йиғими 11. Бошқа даромадлар	Ўз солиқлари: 1. Мол-мулк солиғи 2. Ер солиғи 3. Ягона ер солиғи 4. Микрофирмалар ва кичик корхоналар, ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхона-ларнинг ягона солиқ тўлови 5. Ободончилик ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи 6. Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун истеъмол солиғи 7. Тамаки ва алкоголь маҳсулотлари сотиш учун лицензия йиғими 8. Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими. Тўлиқ ҳажмда беркитилиб берилган солиқлар. 1. Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи 2. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган солиғи 3. Баъзи товарларга акциз солиғи (ўсимлик ёғи)

Солиқларни яхши илмий асосда тушуниш учун уларни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганамиз:

1. Объектига қараб;
2. Субъектига қараб;
3. Иқтисодий моҳиятига қараб;

* Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги солиқ кодекси маълумотлари асосида тузилди.

4. Бюджетга тушушига қараб;
5. Ким ундиришига қараб;
6. Солиқ турларига қараб.
7. Қандай манбадан олинишига қараб;

Солиқлар ва йиғимлар ўртасидаги моҳияти жиҳатидан умумийлик ва алоҳида хусусиятлари борлигини айтиб ўтиш зарур. Умумийлик: иккаласи ҳам мажбурий тўлов, иккаласи ҳам бюджетга тушади, иккаласини назорат қилиш солиқ идорасига юклатилган.

Хусусияти: йиғимлар маълум муддатга (йилга, чоракка ёки кунга) ўрнатилган. Йиғимлар одатда кам суммада ва бир мартали бўлади. Улар аксарият маҳаллий ҳокимият томонидан киритилади, ўзгарувчан.

Солиқлар эса узоқ муддатга, доимий қилиб ўрнатилади.

Солиқ ва йиғимлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, оқибат натижасида улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг пул даромадларидан олинади. Демак, солиқ ва йиғимларнинг жами йиғиндиси суммаси солиқ оғирлиги тушунчасини келтириб чиқаради.

Солиқ тизимининг асоси бўлган солиқлар ўзига хос хусусиятларига, бир қатор белгиларига кўра гуруҳланади. Солиқларнинг гуруҳланиши уларнинг объектига, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсир этишига, ундирилиш усуллари, пайдо бўлишига (субъектига), бюджетга йўналтирилишига ва бошқа белгиларига кўра уларнинг таснифланишидир.

Солиқларни бундай тартибда гуруҳларга ажратишдан мақсад уларни тақсимлаш тамойилларини белгилашда, уларнинг солиқ функция ва вазифаларини қай даражада бажараётганлигини баҳолашда, умуман олганда давлат бюджетини доимий равишда ва мунтазам даромадлар билан таъминлашда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўймасдан фаолият кўрсатиши учун солиқларнинг ҳар томонлама илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилишдан иборат.

Тарихан солиқлар ижтимоий-иқтисодий тузилишига қараб ёки бошқача қилиб айтганда ундириб олиш манбасига қараб икки гуруҳга тўғри ва эгри солиқлар гуруҳларига бўлинади. Солиқларни белгилайдиган ва улардан тушган маблағни тасарруф этишига, яъни бюджетга ўтказиш нуқтаи-назаридан солиқлар умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Шунингдек солиқлар пайдо бўлиш манбаига кўра юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларга бўлинади. Солиқларнинг қайд этилган гуруҳларга ажартиб ўрганишни алоҳида савол сифатида кенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда солиқларни гуруҳлашнинг айрим турларини кўриб чиқамиз. Солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича гуруҳлаш – уларни иқтисодиётга ижобий ва салбий таъсир кўрсатишни ўрганишнинг илмий ва амалий услубидир.

Бугунги кундаги солиқ тизимимизда солиқ солишнинг икки тартиби :

- умумбелгиланган
- соддалашган тартиблари қўлланилмоқда.

Солиқ солишнинг умумбелгиланган тартиби белгиланган солиқ тўловчилар солиқ кодексида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барча умумбелгиланган солиқ ва йиғимларни тўлайдилар. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби эса солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутди.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқлар жами умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўрнига тўланади, чунончи тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий

тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

- тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи;
- Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;
- Агар акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарса, акциз солиғи;
- Ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олса, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- божхона тўловлари;
- ягона ижтимоий тўлов;
- давлат божлари;
- товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини тўловчилар бундан мустасно);
- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради.

2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
- хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар;
- лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли. Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Яна шуни айтиш мумкинки, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир. Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилган биринчи чорак учун юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳамда мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Ягона солиқ тўловида солиқ солиш объекти - ялпи тушумдир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига эса қуйидагилар киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда фаолият турига болиқ ҳолда, қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш - қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун - ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун - товар обороти;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун - кўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун - реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун - ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

Агар ягона солиқ тўловини тўловчиси қўшилган қиймат солиғини тўласа, улар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, солиқ тизимимиздаги энг муҳим ижобий ўзгариш, ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга бўлгани, кечиктирилган суммалар эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар

билан тўланишидир. Ушбу берилган солиқ таътили албатта Республикамизда микрофирма ва кичик корхоналар сонини, қолаверса уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ЯИМ даги улушини кўпайтиришдир.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқларнинг иккинчи гуруҳи ягона ер солиғидир ва улар қуйидагилардир:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объектидир. Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ер участкаларининг норматив қиймати белгиланмаган қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчилари учун солиқ солинадиган ер участкалари майдони солиқ солинадиган базадир.

Ягона ер солиғи суммаси солиқ солинадиган базага қараб:

ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан;

ер участкаларининг майдонидан, ер участкаси жойлашган ер ва ер участкасининг сифат тавсифини (бонитет баллини) назарда тутадиган тузатиш коэффициенти эътиборга олинган ҳолда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 июлигача - йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 сентябригача - йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабригача - солиқнинг қолган суммаси.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчиларнинг яна бир гуруҳига қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланади ва улар қуйидагилардир:

фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан (улар қонун ҳужжатлари билан белгиланади) келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.


Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш юридик шахслар томонидан - ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунига қадар ҳар ойда, солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Бундан ташқари солиқларни солиққа тортиш объектига қараб, ушбу чизмага мувофиқ қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1.2.2-чизма



- Оборотдан олинадиган солиқлар. Бунда солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита оборотидан ундирилади, уларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, божхона бошлари, йиғимлари ва бошқалар киради.

- Мол-мулк қийматларидан олинадиган солиқлар. Бундай солиқлар солиқ тўловчи субъектлар тасарруфида мавжуд бўлган мол-мулкдан, ердан ва бошқаларга нисбатан белгиланадиган солиқлардан иборат.

- Даромаддан олинадиган солиқлар. Бунга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва бошқалар киради.

- Ер майдонига қараб олинадиган солиқлар. Ер майдонига қараб олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари киради.

- Тушумдан олинадиган солиқлар. Тушумдан олинадиган солиқларга микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тўлайдиган ягона солиқ тўловини киритишимиз мумкин.

- Фаолият турига ва жойлашган жойига қараб олинадиган солиқлар. Фаолият турига қараб олинадиган солиқларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ мисол бўла олади.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, мамлакатимизда амал қилаётган солиқларнинг айримлари корхоналар хўжалик фаолиятининг охириги молиявий натижасидан бюджетга тўланадиган аксарият солиқлар ва мажбурий тўловлар келгуси давр харажатлари орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшилади (ер солиғи, мол-мулк солиғи, ва бошқалар). Шу ўринда солиқларни гуруҳлашнинг асоси ҳисобланган, уларни хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсир этишига қараб қуйидагиларга ажратишимиз мумкин:

1. Товар (иш, хизмат) лар оборотидан тўланадиган солиқлар. Бундай солиқларга асосан эгри солиқлар киради, яъни қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, божхона божлари;

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган солиқлар: пенсия фондига ажратмалар, касаба уюшмалари федерациясига ажратмалар, бандлик фондига ажратмалар ва бошқалар;

3. Давр харажатларига киритиладиган солиқлар: мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқ ва махсус тўловлар;

4. Корхоналар фойдасидан тўланадиган солиқлар: фойда солиғи, инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ва бошқалар;

II боб. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг амал қилиш механизми

2.1. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбатининг таҳлили

Солиқларни тўғри ва эгри солиқларга гуруҳланиши солиққа тортиш объектига, тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Тўғри солиқлар тўғридан-тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади (солиққа тортишнинг бевосита шакли). Товарнинг баҳосида тўланадиган ёки тарифга киритиладиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар эгри солиқларга киради. Товар ва хизматларнинг эгаси уларни сотишда солиқ суммаларини олиб, уларни давлатга ўтказди.

Даромадлар оладиган (мол-мулкка ва шу кабиларга эгалик қиладиган) хўжалик юритувчи субъектлар тўғри солиқларнинг пировард тўловчиси ҳисобланади, нархларга устамалар орқали солиқ юки юклаб қўйиладиган товарнинг истеъмолчиси эса эгри солиқларнинг пировард тўловчиси ҳисобланади.

Амалиётда нафақат эгри солиқлар, шу билан бирга тўғри солиқларни ҳам истеъмолчилар зиммасига ўтказиш имконияти мавжуддир. Масалан, корхоналар тўлайдиган солиқлар юки инфляция даврида кўпинча нарх-навони ошириб юбориш орқали истеъмолчилар зиммасига юклаб борилади.

Тўғри солиқларга тортишда маблағларнинг сафарбар қилиниши янги қийматни тақсимлаш пайтида бошланади. Давлат даромад олинган пайтдаёқ унинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилади.

Солиқ тўловчининг даромади (иш ҳақи, фойда, фоизлар ва ҳоказо) ва унинг мол-мулкининг (ер, уйлар, қимматли қоғозлар ва ҳоказо) қиймати тўғри солиқлар объекти бўлади. Солиққа тортишнинг бу шакли эгри солиқларга нисбатан бирмунча прогрессивдир, чунки у солиқ тўловчининг даромадлилигини, оилавий аҳволини ҳисобга олади, солиқ даромадни олиш

босқичида ундирилади. Бундан ташқари, тўғри солиқларга тортишда солиқ тўловчи ўз солиғининг суммасини аниқ билади.

Тарихий жиҳатдан олганда тўғри солиқлар XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланди, улар фақат XX асрда кенг оммалашди.

Тўғри солиқлар реал ва шахсий солиқларга бўлинади.

Реал солиқлар солиқ тўловчи мол-мулкнинг айрим турларидан (ер, уйлардан) кадастр асосида ундирилади, тўловчининг ҳақиқий даромадлилигини эмас, балки ўртача даромадлилигини ҳисобга олади. Солиққа тортиш объектига қараб қуйидагилар реал солиқларга киради: ерга оид, уй-жойларга доир, касб-хунарга тегишли, қимматли қоғозлардан олинadиган солиқлар. Реал солиқлар ташқи белгиларга асосланади, солиққа тортиш мол-мулкнинг кадастр бўйича аниқланадиган ўртача даромадлилиги бўйича амалга оширилади. Ўз моҳиятига кўра бундай солиқлар регрессив тусга эгадир.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, давлат фаолиятининг кенгайиши шахсий солиқларга ўтилишини тақозо этди, чунки реал солиқлар фискал жиҳатдан ҳам, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали бўлмай қолди. Реал солиққа тортишнинг айрим унсурлари, одатда, маҳаллий солиқлар тизимида асосан саноат жиҳатдан тараққиёт этган мамлакатларда сақланиб қолган. Шахсий солиқлар раvнақ топмоқда, булар даромадлар манбаида ёки декларация бўйича ундириладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадлари ва мол-мулкidan олинadиган солиқлардир. Реал солиқдан фарқли раvишда шахсий солиққа тортишда объект (даромад, мол-мулк) ҳар бир тўловчи учун яkка тартибда ҳисоблаб чиқилади, унинг молиявий аҳволи (оила сони, қарздорлик ва ҳоказо) эътиборга олинади. Ривожланган мамлакатларда солиққа тортиш объектига қараб шахсий солиқларнинг қуйидаги турларини фарқланади: даромад солиғи, пуллик сармоялардан тушадиган даромадлардан олинadиган солиқ, сармоянинг ўсишидан олинadиган солиқ, корпорациянинг фойдасидан олинadиган солиқ,

меросдан ва совға қилишдан олинадиган солиқ, мол-мулкдан олинадиган солиқ, жон бошига олинадиган солиқ ва ҳоказо.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий назариянинг асосчиси А.Смит – давлат даромадларини шакллантиришнинг солиқли усулини назарий асосларини шакллантирди. Солиққа тортиш принципларини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, истеъмол товарларига эгри солиқлар уларнинг нархини ўсишига олиб келади. Натижада ишлаб чиқаришдаги муомала харажатларининг ўсишига ва оқибатда уларни сотишни қисқаришига ҳамда истеъмолни қисқаришга олиб келади.¹²

Эгри солиқлар баҳога ёки тарифга устама сифатида белгиланадиган товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлардир. Эгри солиқларга тортишда давлат товар ёки хизматларнинг сотилиши пайтида ушбу қийматнинг бир қисмига ўз ҳуқуқларини даъво қилиш билан аслида янги қийматнинг тақсимланишининг иштирокчиси бўлиб қолади. Эгри солиқлар тўғри солиқлардан фарқли равишда тўловчининг даромади ёки мол-мулки билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Товарлар, одатда, шахсий истеъмол товарлари, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасининг (сартарошхоналар, ҳаммомлар, кимёвий тозалаш хизматлари) пуллик айланмаси, томоша кўрсатадиган ва транспорт корхоналарининг патталари ва шу кабилар солиққа тортиш объекти бўлади. Эгри солиқларга тортиладиган товарлар ва хизматлар сони мунтазам кенгайиб бормоқда.

Харидор-истеъмолчи эгри солиқларнинг тўловчиси бўлади. Товарнинг соҳиби ёки хизматлар кўрсатадиган шахс аслида солиқни йиғувчи ҳисобланади. Эгри солиқларнинг анчагина қисми мулкдор томонидан товарнинг ёки хизматларнинг нархига қўшилади. Давлат корхоналари ва монополиялар солиқнинг бутун суммасига нархларни ошириш бўйича жуда катта имкониятларга эгадир. Тармоқ ичидаги рақобат юксак бўлганида ва талаб барқарор бўлмаган ҳолда солиқнинг муайян ҳиссаси товарнинг ишлаб

¹² А.Смит «Исследования о природе и причинах богатство народов»

чиқарувчиси ва сотувчи томонидан тўланади. Эгри солиқларнинг асосий тўловчиси пировард оқибатда истеъмолчилар бўладилар.

Эгри солиқлар даромадлиликни, оилавий аҳволни ҳисобга олмайди. Ҳамма фуқаролар ўз даромадларининг миқдоридан қатъий назар, бундай солиқларни тўлайдилар, чунки эгри солиқларга тортиладиган турмуш учун зарур бўлган товарларни истеъмол қилишади ва хизматлардан фойдаланишади.

Эгри солиқларнинг ставкалари қатъий (товар ўлчамининг бирлигига) ва фоизли (товарнинг нархига муайян ҳиссада) бўлади. Фоизли ставкалар давлат учун кўпроқ фойдалидир, чунки нархлар ошганида солиқ тушумлари ҳам кўпаяди. Солиқ ставкаларининг оширилиши уларнинг товарларнинг нархидаги ҳиссасининг ортишига олиб келади.

Эгри солиқлар акцизларни, давлатнинг фискал монополияларини ва божхона божларини ўз ичига олади. Акцизлар ундирилиш усулига қараб якка тартибдаги (ароққа, шакарга, ва ҳоказо) ва универсал (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) турларга бўлинади.

Улар асосан хўжалик актларидан ва айланмалардан, молиявий операциялардан келиб чиқади. Солиқларнинг айрим турларининг нисбати жамиятнинг ривожланишига қараб ўзгарди. XIX асрда ва XX аср бошида ундирилишининг соддалиги билан ажралиб турадиган эгри солиқлар асосий аҳамият касб этган эди. 20-йиллардан бошлаб кўпгина мамлакатларда тўғри солиқлар кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимида тўғри солиқлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди, даромад солиғи ва корпорацияларнинг фойдасидан олинadиган солиқ улар ичида асосий ўрин тутарди.

Юқоридагилардан келиб чикиб, хулоса қилганимизда, тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс ҳисобланади.

Ҳозирги кунда янги солиқ кодексининг 23-моддасига кўра, мамлакатимизда амал қилаётган тўғри ва эгри солиқлар таркиби юқоридаги 3-чизмада келтирилган.

2.1.1-чизма*

Тўғри ва эгри солиқлар таркиби

Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар
1. Юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқ; 2. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ; 3. Ер солиғи; 4. Мол-мулк солиғи; 5. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва махсус тўловлар; 6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; 7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқ.	1. Қўшилган қиймат солиғи; 2. Акциз солиғи; 3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатган-лик учун олинадиган солиқ; 4. Божхона тўловлари ва бошқ.


Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси маҳсулотни ортувчилар, иш, хизматни бажарувчилар ҳамда хизмат кўрсатувчилар, ҳақиқий тўловчиси эса истеъмолчилар ҳисобланади.

Республикаимизда амал қилаётган солиқлар ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисмини тақсимлаб, бюджетга жалб этади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатлари молиялаштиришга йуналтирилади. Сўнги йилларда тўғри солиқларнинг салмоғи ялпи ички маҳсулот қийматида бир оз камайиб, эгри солиқлар салмоғи ошган. Бу ерда

* Манба. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ кодекси» 23-моддаси асосида муаллиф томонидан тузилди.

ҳозирги шароитда тўғри тенденция мавжуддир, чунки эгри солиқлар тўғридан- тўғри корхонанинг инвестицион фаолиятининг сусайишига олиб келмайди. Тўғри солиқлар салмоғи ЯИМ қийматида пасайиши корхоналарнинг моддий-техникавий базасини кенгайишига, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришига имкон яратади.

2.1.1-диаграмма



1-жадвал маълумотлар кўрсаткичларидан кўриш мумкинки, аввало тўғри ва эгри солиқларнинг ЯИМ даги улуши йил сайин пасайиб бориш динамикасига эга. 2004 йилда тўғри солиқларнинг жами суммаси 711955,4 млн. сўмни ташил этган бўлиб, у ЯИМ да 5,8 % улушга эга бўлган. Эгри солиқларнинг ЯИМ даги улуши эса 12,6 % ни ташкил этган. 2005 йилга келиб тўғри солиқларнинг жами даромадлардаги улуши ошган бўлса ҳам, унинг ЯИМ даги улуши 5,5 % ни ташкил этган ва бу 2004 йилга нисбатан 0,3 % га паст деганидир. Бунга сабаб 2005 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тушумининг камайиши таъсир этган. Эгри солиқларнинг ЯИМ даги улуши 2004 йилга нисбатан 2,6 % га пасайишини кўриш мумкин. Бу асосан ҚҚС ва Акциз солиқлар тушумининг ўтган йилга нисбатан камайиши натижасида бўлган. 2006 йилда тўғри солиқлар жами суммаси 1 064 499,6

млн. сўмни ташкил этган бўлиб, унинг ЯИМ даги улуши 5,1 % га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,4 % га кам демакдир. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таркиби ва тузилиши.

2.1.1-жадвал*

№	Кўрсаткичлар	2004 й ЯИМга нисбатан %	2005 й ЯИМга нисбатан %	2006 й ЯИМга нисбатан %	2007й ЯИМга нисбатан %
I.	Жами даромадлар-мақсадли фондлар даромадларисиз	22,6	21,6	21,6	20,7
1.	Тўғри (Бевосита) солиқлар	5,8	5,5	5,1	5,0
1.1	Юридик шахслар фойда солиғи	1,6	1,4	1,1	1,1
1.2	Давлат бюджетига савдо ва умумий овқатланиш корхонлари учун ягона солиқ тўловидан ажратмалар	0,5	0,5	0,5	0,4
1.3	Давлат бюджетига кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловидан ажратмалар	0,6	0,6	0,6	0,4
1.4	Жисмоний шахслар даромад солиғи	2,8	2,7	2,7	2,8
1.5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ	0,3	0,3	0,2	0,2
2.	Эгри (Билвосита) солиқлар	12,6	10,0	10,2	10,1
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	5,4	5,1	5,5	5,1
2.2	Акциз солиғи	6,1	3,8	3,4	3,7
2.3	Божхона божлари	0,5	0,5	0,5	0,5
2.4	Ягона божхона тўлови	0,3	0,2	0,3	0,3
2.5	Жисмоний шахслар томонидан истеъмол қилинган бензин, дизель ёқилғиси ва газ учун солиқ	0,4	0,4	0,5	0,5
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	2,0	3,6	3,8	3,8
3.1	Мулк солиғи	0,8	0,8	0,8	0,8
3.2	Ер солиғи	0,6	0,6	0,5	0,7
3.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,5	2,2	2,3	2,2
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,1	0,1	0,1	0,1
4.	Ортиқча фойда солиғи	0,1	0,3	0,6	0,7
5.	Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш учун солиқ	0,4	0,4	0,5	0,5
6.	Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар	1,6	1,7	1,4	0,8

Эгри солиқларнинг жами эса 2006 йилда ЯИМ га нисбатан 10,2 % ни ташкил қилган. Бу ўтган йилга нисбатан ҚҚС тушумининг ошиши

* Давлат Солиқ Қўмитаси ва Молия Вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

натижасида 0,2 % га ортган деганидир. 2007 йилга келиб тўғри солиқларнинг ҳам, эгри солиқларнинг ҳам ЯИМ даги улуши 2006 йилга нисбатан 0,1 % га пасайиши кузатилади. Агар ушбу ўзгариш тенденцияларига эътибор берсак, тўғри солиқларда асосан шахслардан олинadиган фойда солиғи тушумининг ЯИМ даги улушининг камайиши ҳисобига, эгри солиқларда асосан ҚҚС ва Акциз солиқлар тушумининг ЯИМ даги улушининг пасайиши натижаси таъсир этган.

2.1.2-диаграмма*



2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадалари таркибидаги улуши йилдан йилга камайиб бориши, эгри солиқлар салмоғи ҳам нисбатан камайиш тенденциясига эгадир. Аммо ресурс ва мулк солиқлар салмоғи йил сайин ортиб бориш хусусиятига эга бўлган, фақат 2007 йилга келиб ушбу солиқларнинг салмоғи бироз камайганини кўриш мумкин.

2003 йил тўғри солиқлар жами солиқ тушумларига нисбатан 37,6 % улушни эгаллаган бўлса, эгри солиқлар улушу 42,9 % ни ресурс ва мулк

* Давлат Солиқ Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида 2003-2007 йилларда солиқлар ва тўловларнинг бюджетга тушуми буйича маълумот.*

№	Курсаткичлар	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
	Жами тушум	1639614222,5	1970374823,7	2739419682,9	3514655886,3	4774563381,0
1	Тугри солиқлар	616944433,5	729697010,5	925804226,1	1194052154,0	1394786665,0
2	Эгри солиқлар	703150593,9	817588532,6	984808899,4	1227716789,8	1866903299,0
3	Ресурс ва мулкый солиқлар	222246392,1	316758268,0	692834716,5	803891094,3	993372916,4
4	Бошка тушумлар	97272803,0	106331012,6	135971840,9	288995848,2	519500500,6
	Жамига нисбатан % да	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
1	Тугри солиқлар	37,6	37,0	33,8	34,0	29,2
2	Эгри солиқлар	42,9	41,5	35,9	34,9	39,1
3	Ресурс ва мулкый солиқлар	13,6	16,1	25,3	22,9	20,8
4	Бошка тушумлар	5,9	5,4	5,0	8,2	10,9

* ДСҚ маълумотлари асосида тайёрланди.

солиқлари 13,6% ни ташкил этган. 2004 йилга келиб 2003 йилга нисбатан эгри солиқларнинг улуши 1,4% га, тўғри солиқларнинг улуши эса 0,6% га пасайган, аммо ресурс солиқлари улуши ортган. 2005 йилда эса тўғри солиқларнинг улуши жами солиқ тушумларининг 33,8% ни, эгри солиқларнинг улуши 36 %ни эгаллаган. Аммо мулк солиқлари улуши 25,3% бўлиб, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 11,7% га, 2004 йилга нисбатан эса 9,2% га ортганлигини кўрсатади.

2006 йилда тўғри ва эгри солиқлар нисбати қарийб тенглашган, буна мулк солиғининг улуши 2005 йилга нисбатан 2,4% га пасайган. 2007 йилда эса эгри ва тўғри солиқлар орасидаги нисбати 9,9% бўлган. Бунда эгри солиқлар улуши 39,1% ни, тўғри солиқлар эса 20,2% ни эгаллаган. Бундан ташқари Ушбу жадвал маълумотлари, бошқа тушумларнинг улуши ҳам 2003, 2004 йилларга нисбатан 2 баробарга ортганлигини кўрсатади. Давлат бюджетининг 2007 йилда 1,1 % профицит билан чиқишига ушбу тушумлар таъсир этган бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда ресурс солиқларининг салмоғи ҳам анча ошмоқда. Улар ер, сув, ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Солиқларнинг роли юқоридаги жадвалда ўз ифодасини топган.

Биз ўрганаётган объект Бухоро вилояти маҳаллий бюджетида тўғри ва эгри солиқлар нисбатини юқоридаги жадвал орқали ифодалашимиз мумкин.

Ушбу 2.1.3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Бухоро вилояти маҳаллий бюджетида тўғри солиқлар пасайиш ва эгри солиқлар ўсиш тенденциясига эга, бюджетининг 2003 йилда жами даромадлари 74073,0 млн. сўмни ташкил этган. Жами даромаднинг 44484,7 млн. сўми ёки 56,1 % и тўри солиқларни ташкил этган бўлса, 43,9 % (29588,3 млн. сўм) қисми эгри солиқларни ташкил этган. 2004 йилда эса жами даромадлар 90020,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, уларнинг 56,8 % и тўғри солиқлардан, 43,2 % и эса эгри солиқлар ҳисобига ташкил топган. Бу 2003 йилга нисбатан тўғри солиқларнинг жами даромаддаги улуши 3,3 % га камайгани, эгри солиқлар эса шунчага ортишини кўра оламиз.

2.1.3-жадвал

Бухоро вилояти маҳаллий бюджетида тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқлар нисбати

Даромадлар	2003 й		2004 й		2005 й		2006 й		2007 й	
	млн. сўм	жами даромадга нис.н %	млн. сўм	жами даромадга нис.н %	млн. сўм	жами даромадга нис.н %	млн. сўм	жами даромадга нис.н %	млн. сўм	жами даромадга нис.н %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Даромадлар, жами	74073,0	100,0	90020,0	100,0	110155,2	100,0	144634,2	100,0	198127,2	100,0
<i>шундан:</i>										
1. Тўғри солиқлар**	44484,7	60,1	51128,0	56,8	37960,3	34,5	68805,7	47,6	89935,4	45,4
2. Эгри солиқлар	29588,3	39,9	38892,0	43,2	72194,9	65,5	75828,5	52,4	108191,8	54,6

*Бухоро вилоят Молия бошқармаси асосида тайёрланди.

2005 йилга келиб жами даромадларнинг 34,5 % и тўғри солиқлар ҳисобига, қолган 65,5 % и эса эгри солиқлар ҳисобига шакллантирилган. 2006 йилда эса жами даромад 144634,2 млн. сумдан иборат бўлиб, бунда тўғри ва эгри солиқлар нисбати мос равишда 47,6% ва 52,4 % ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан, жами даромад таркибидаги тўғри солиқларнинг 13,1 % га ошганини англатади. 2007 йил Бухоро вилояти маҳаллий бюджети 198127,2 млн. сўмдан иборат бўлган. Ушбу даромаднинг 45,4 % и тўғри ва 54,6 % и эгри солиқлар ҳисобига шакллантирилган. Ўтган йилга нисбатан тўғри ва эгри солиқлар нисбати орасидаги фарқ 2,2 % га камайганини кўриш мумкин.

2.1.3-диаграмма



Ғарбий Европада маҳаллий солиқлар тизимида тўғри солиқлар ката улушни ташкил этади. Жами солиқлар тушумининг 70-75 % даромад, фойда ва мулк ҳисобидан олинадиган солиқлар улушига тўғри келади. Истеъмолдан олинадиган солиқлар 3-4 % ни, бошқа солиқлар улуши эса 20% ни ташкил этади. Японларда солиқлар улуши 85 % ни тўғри солиқлар, эгри солиқлар эса 15 % ни ташкил этади.

Тўғри солиқлар ичида фойда ва даромад ҳамда турли мулк солиқлари таркиби анча фарқ қилади. Скандинавия мамлакатларида барча солиқ тушумларининг 80-90 % и даромад, фойда солиғи ҳисобидан тўлдириб

келинади. Белгия, Германия, Австрияда бу кўрсаткич 56 % дан ошмайди. Бошқа мамлакатларда эса ҳудудий органлар бюджетларидаги солиқ тушумларининг асосий қисми турли шаклдаги мулклардан олинadиган солиқлар ҳисобидан шакллантирилади, жумладан Нидерландияда 48 % солиқ даромадларининг $\frac{2}{3}$ қисмини шу солиқлар ташкил этади.

Японияда 48 % солиқ даромадларини турар - жой бинолари учун солиқлар ва 21 % ни кўчмас мулк учун солиқлар ташкил этади. Шунинг учун маҳаллий солиқларга юқори бюджетларга бириктирилган солиқ турларига ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўлланиладиган устамалар ҳам киритилади. Кўпинча бундай устамалар даромад солиғига, ер солиғига, қўшилган қиймат солиғига нисбатан қўлланилади.

2.2 Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида умумдават солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар таркиби

Республикамизда асосан солиқлар бюджет тизими даромадларини шакллантиради. Давлат бюджети тизими мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётини молиявий маблағ билан таъминлайди ва бу Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимида **умумреспублика бюджети** етакчи бўғиндир. У умумдават ресурсларининг бир қисми бевосита давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида марказлашувини таъминлайди. Марказлашган ресурслар умумдават аҳамиятига молик бўлган, умуман олганда жамият манфаатларини ифодаладиган тадбирларни (халқ хўжалиги аҳамиятидаги қурилишларни, энг муҳим ижтимоий тадбирларни, мудофаа, бошқарув, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари, давлатнинг моддий ва молиявий захираларини) маблағ билан таъминлашга ишлатилади. Умумреспублика бюджети орқали миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрига тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни изга солиб турилади. Давлат умумреспублика бюджетидан давлат бюджетининг бу бўғини ижроси юзасидан республикадаги ҳамма ишларни мувофиқлаштириш учун фойдаланади.

Республикамизда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳамда бошқа тегишли вазирликлар томонидан қатор меъёрий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бюджетлараро муносабатларни асосини белгиладиган биринчи ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Ушбу конституциянинг 122-моддаси давлат бюджетининг таркибини белгилаб беради.¹³

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети пул маблағларини республиканинг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари амалга

¹³ «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» Т: «Ўзбекистон» 2001 й.

оширадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тадбирларини молиялаштириш учун марказлаштиради.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида аниқ молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб-эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан тўғри олиб бориш имконини беради, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайиши ва ресурсларнинг тежамкорлик билан сарфланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг юксалиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хўжалик захираларини сафарбар қилиш, маблағларни тежаб ишлатиш борасидаги ишларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлади, бу эса ўз навбатида умуман Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб бориши, уларнинг ўз даромадлари манбаси мавжудлиги билан характерланади. Маҳаллий бюджетлар ўз ҳудудларида турли йўналишдаги вазифаларни ҳал этиш учун етарли асос бўлган молиявий маблағга эга бўлишлари керак. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқалар), ижтимоий таъминот соҳасидаги тадбирлар маблағ билан таъминланади.

Республикамизда солиқлар бюджет тизими даромадларини шакллантиришига қараб асосан икки гуруҳга бўлинади: умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги Солиқ кодексида олдинги солиқ кодексидан фарқли ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлари рўйхати фақат биргина, умумлашган 23-моддасида келтирилган бўлиб уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- Умумдавлат солиқлари таркиби:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) Қўшилган қиймат солиғи;
- 4) Акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

- Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) ягона ер солиғи
- 4) ягона солиқ тўлови
- 5) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 6) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- 7) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- 8) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.


Умумдавлат солиқлари асосан республика бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилган бўлса, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради.

Давлат бюджети даромадларида Республика бюджети улуши маҳаллий бюджетга нисбатан юқоридир. Республика бюджети даромадлари давлат бюджетининг 2004 йил - 55,3 фоиз, 2005 йил - 54,6 фоиз, 2006 йил - 55,4 фоиз, **2007 йил - 55,6 фоизни** ташкил қилади. Маҳаллий бюджетлар эса кейинги 3 йилда уртача 45 фоиздан иборат бўлган.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Шу ўринда маҳаллий бюджетлар қандай шакллантирилади?- деган савол туғилиши мумкин. Таъкидлаб ўтиш керакки, маҳаллий бюджетлар иқтисодий томондан мустақил фаолият олиб бориши, уларнинг ўз даромадлари манбаси мавжудлиги билан характерланади. Ушбу 2.2.1-чизмада эса маҳаллий бюджет даромадлари таркиби келтирилган:

2.2.1-чизма*



Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг даромад манбаи ҳисобланиб, улар ҳозирга қадар давлатчилик муносабатлари ривожланишига мутаносиб равишда шаклланиб,

* Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни асосида тузилди.

такомиллашиб келди. Агарда республикаимизнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ турли соҳаларда амалга оширилган ва давом эттирилаётган ислохотларга назар ташлайдиган бўлсак, маҳаллий ҳокимият идораларининг мавқеини ошириш борасидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай чора-тадбирларнинг аниқ йўналиши маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг даромад манбаини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Бу борадаги ислохотларнинг илк ҳуқуқий асосларидан бири, шубҳасиз 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ги қонунидир. Ушбу қонунга мувофиқ республикаимизда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жорий қилинган бўлиб, уларни жорий этишдан мақсад минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа ресурсларни қайта ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш қилиб белгиланди.

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги дастлабки йўналишни мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлаб ўтган эдилар: «Давлат бюджети даромадларининг ката қисми жойларга бериш, бюджетни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақа мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борада масъулиятни ошириш имконини беради. Бундан ташқари бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди»¹⁰.

Юқорида қайд этганимиздек, республикаимиз солиқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши маҳаллий солиқлар ва йиғимларни такомиллаштиришга қаратилган. Бу борада биргина уларнинг таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қиладиган бўлсак, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, улар юқоридаги қонунга мувофиқ жорий этилган пайтда маҳаллий солиқлар 17 турда амал қилган. Ўзбекистон Республикасининг янги солиқ кодекси

¹⁰ И.А.Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш» Т: Ўзбекистон 2005й, 92 бет

қабул қилиниши билан 6 турда ундирила бошланди. Маҳаллий солиқлар тушуми 1998 йилда 10,7 % дан 2007 йил 22,4 % га етди.

Маҳаллий солиқларнинг асосий параметрлари фоиз ставкалари, база, имтиёзлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолда уларни максимал, минимал ставкасини қўллаш, йиғиш ҳудудларда амалга оширилади. Шунинг учун баъзи солиқларни йиғиш жуда муаммога айланади. Шулар қаторига автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ жуда қийин йиғиладиган солиқ ҳисобланар эди, аммо бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорга кўра, агар харидор сотиб олган автотранспорт воситасини бир йил ичида қайта сотадиган бўлса, двигателнинг бир от кучига пропорционал ҳолда энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида йиғим тўлаши шарт. Бозорлардан йиғиладиган бир марталик пата йиғимлари (солиқ кодексининг - моддаси) ҳам жуда кўп харажат талаб қилади. Шу туфайли маҳаллий бюджетлар даромад базаси реал мустаҳкамлаш нуқтаи назардан ушбу солиқлар керакли талабга жавоб берадиган манба бўлолмайди.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жорий этилган пайтдан шу кунга қадар улар таркибидаги ўзгаришлар нафақат сон жиҳатдан, шунинг билан биргаликда моҳият жиҳатдан ҳам кенг кўламли ўзгаришларга эришилди. Бугунги кунга келиб уларнинг янги турлари жорий этилди ва амалиётда самарали қўлланилиб келинмоқда.

Республикамиз солиқ тизимидаги мавжуд маҳаллий солиқлар ва йиғимларга хос бўлган умумий хусусиятларнинг айримлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тасарруфида бўлган ҳудудлар эҳтиёжлари учун ишлатилади;

уларнинг асосий қисми маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бевосита ўзлари томонидан жорий этилади, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига бир қадар

ваколатлар берилган бўлсада, республика қонунчилиги билан ҳам ҳисоблашишни талаб этади ва бошқалар.

Шунингдек, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг муҳим хусусиятларидан бири, уларни белгилаш усулига кўра икки гуруҳга, яъни республика қонунчилиги билан жорий этиладиган ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қонунчилиги билан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлинишидир.

2008 йил 1 январдан бошлаб, Президентимизнинг 744-сонли қарорларига кўра маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетдаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

юримдик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлари тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади.¹¹

Биринчи гуруҳ маҳаллий солиқларига мол-мулк солиғи ва ер солиғи кириб, улар республика қонунчилиги билан жорий этилади ва бутун республика ҳудудида ундирилади ҳамда улар ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Шунингдек, белгиланиши ва амал қилиши нуқтаи-назаридан жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги 2007 йил 12 декабрдаги 744-сон қарори.

олинадиган солиқ ҳам бутун республика ҳудудида ундирилиб, унинг ягона ставкаси амал қилади

Мазкур гуруҳ маҳаллий солиқлари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг фақатгина бир ваколати мавжуд бўлиб, бу ҳам бўлса, улар ўз ҳудудларида жойлашган солиқ тўловчиларга мол-мулк солиғи бўйича кўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

Иккинчи гуруҳ маҳаллий солиқлар ва йиғимлари, жумладан, инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан жорий этилади. Улар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фақатгина ана шу ставкалар доирасида ўз ҳудудлари учун солиқ ставкаларини, солиқ имтиёзларини белгилаш бўйича эса тўлиқ ҳуқуқига эга. Шу билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига янги турдаги маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жорий этиш ваколати ҳам берилган бўлиб, уларни жорий этиш Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштиришни талаб этади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган ставкалари 2008 йил учун қуйидагича белгиланди:

***)** Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Солиқ ставкасининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

****) Йиғимнинг бир қисми Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ҳокимияти органлари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси**

№	Солиқ ва йиғимлар турлари	Чегараланган ставкалар
1.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	соф фойданинг 8% и
2.	Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ*:	
	транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилғиси	1 литр учун 100 сўм
	транспорт воситалари учун газ	1 кг учун 100 сўм
3.	Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим**:	
	алкоголли маҳсулотлар	1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари
	қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар	1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баравари
4.	Автотранспортни сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатганлик учун йиғим ***	1 ой учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари

Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда йиғим ундиришни таъминлаш билан боғлиқ давлат бошқаруви органлари харажатларини қоплашга, Тошкент шаҳрида эса савдо, хизматлар соҳаси ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш департаментини тутиб туришга йўналтирилади.

***) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан йиғимнинг бир қисми давлат бошқаруви органларининг йиғимни Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ундиришни таъминлаш билан боғлиқ харажатларини қоплашга йўналтирилади.

Маҳаллий бюджет даромадлари таркибини аниқроқ кўриш, баҳолаш учун кейинги саҳифада биз Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари таркиби ва уни йиллар давомида ўзгариш тенденциясини кўриб чиқамиз:

* Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори иловасига асосан муаллиф томонидан тузилди.

2.2.1-жадвал

Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари таркиби ва тузилиши*

Даромадлар	2003 й		2004 й		2005 й		2006 й		2007 й	
	млн. сўм	жами даромадга, нис.н %	млн. сўм	жами даромадга, нис.н %	млн. сўм	жами даромадга, нис.н %	млн. сўм	жами даромадга, нис.н %	млн. сўм	жами даромадга, нис.н %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Даромадлар, жами	74073,0	100,0	90020,0	100,0	110155,2	100,0	144634,2	100,0	198127,2	100,0
Маҳаллий бюджетга ажратилган умумдавлат солиқларидан тушумлар	60743,2	82,0	74748,9	83,0	83801,0	76,1	109508,2	75,7	159645,8	80,6
Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, жами	13329,8	18,0	15271,1	17,0	26354,3	23,9	35126,0	24,3	38481,4	19,4
<i>шундан:</i>										
Мол-мулк солиғи	2628,4	3,5	2575,4	2,9	9689,5	8,8	13262,2	9,2	11655,6	5,9
Ер солиғи	3156,4	4,3	5040,5	5,6	5101,8	4,6	8013,5	5,5	11374,9	5,7
Инфратузилмани ривожлантириш солиғи	958,4	1,3	948,9	1,1	8180,1	7,4	9772,2	6,8	9712,8	4,9
Жисмоний шахслардан олинадиган ёқилғи солиғи	3901,7	5,3	4941,6	5,5	2536,0	2,3	3535,6	2,4	4974,2	2,5
Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда мажбурий тўловлар	2684,9	3,6	1764,7	2,0	846,8	0,8	592,5	0,4	763,8	0,4

* Жадвал Бухоро вилояти молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Бухоро вилояти маҳаллий бюджетда солиқли даромадлар 2003 йилда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жами 13329,8 млн. сўмни ташкил этган ва бу кўрсаткич жами харажатларининг 18,0 % ни англатади. Ушбу даромаднинг таркибида жисмоний шахсларнинг бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ катта улуш, 5,3% ни ташкил этади. Кейинги ўринларда асосий даромад манбаи бўлиб ер солиғи 4,3 %, мол-мулк солиғи 3,5 % дан иборат бўлган. 2004 йилда эса маҳаллий солиқлар йиғимлар улуши бир оз камайиб 17,0 фоизни ташкил этгани ҳолда, умумдават солиқларидан ажратмалар эса 83,0 % дан иборат бўлган. Ушбу йилда ер солиғи 5,6 % ни, мол-мулк солиғи 2,9 % дан иборат бўлган. 2005 йилга келиб маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жами 26354,3 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич жами даромаднинг 23,9 % ни ташкил этган, 2004 йилга нисбатан жами даромаднинг 6,9 % га ортишига, мол-мулк солиғининг уч баробарга, инфратузилмани ривожлантириш солиғининг қарийб етти баробарга ортиши таъсир этган. Бунда асосий даромад улушини мол-мулк солиғи 8,8 %, инфратузилмани ривожлантириш солиғи 7,4 %, ер солиғи 4,6 % ни эгаллаган. 2006 йилда маҳаллий солиқлар йиғимларнинг жами улуши, 2005 йилга нисбатан 0,4 % га ортган ва 24,3 % ни ташкил этган. Бунда мол-мулк солиғининг 0,4 % га, ер солиғининг 0,9 % га ортиши сабаб бўлган.

2007 йилда маҳаллий бюджет даромадларининг 80,6 %и умумдават солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратмалар ҳисобидан шакллантилган бўлса, қолган 19,4 % и маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шакллантирилган. Бу эса 2006 йилдаги ўз даромадлари улушининг 4,9 % га камайганини кўрсатади. Бунда маҳаллий солиқлар йиғимларнинг жами улушининг камайишига, 2005 йилга нисбатан мол-мулк солиғининг 3,3 % га, инфратузилмани ривожлантириш солиғининг 2,9 % га камайгани таъсир этган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу даврда маҳаллий бюджет даромадлари таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар улуши йилдан-йилга ортиб бориши кузатилган.



Ушбу даграмма маълумотлари эса 2003 йилда маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари, жами харажатларининг атига 18 % фоизини қоплаган. Аммо, 2005 йилга келиб маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари, жами даромадлари таркибидаги улуши 23% ни ва 2006 йилда эса 24,3 % ни ташкил этган. 2006 йилда эришилган ушбу натижа 2003 йилга нисбатан 6,3 % га, 2004 йилга нисбатан 7,3 % га, 2005 йилга нисбатан 0,4 %га ортганлигини кўрсатади. 2007 йил маълумотларига кўра, ушбу даромадлар улуши 19,4 % ни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 4,9 % га пасайган. Бу албатта салбий ҳолатдир. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Бухоро вилояти маҳаллий бюджети ўз харажатларини ўртача 20-21 % ни қоплай олади холос.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Республикамизда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг асосий даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ муаммолар марказида уларнинг маҳаллий бюджетлар харажатларини тўлиқ миқдорда молиялаштира олмаслигидадир. Шунинг учун ҳам умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар, яъни тартибга солинадиган солиқлардан тўлиқ ёки қисман ажратмалар белгилаш тизими амал қилади ва улардан келиб чиқиб

* Бухоро вилояти Молия Бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатлари яна бир қадар оширилган бўлсада, бугунги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатлари қонунчилик нуқтаи-назаридан бир қадар чекланган, амалда эса ўз ҳудудларида ундириладиган барча солиқлар ва йиғимларни назорат қилиш тизими амал қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджетларга солиқлардан ажратмалар ягона норматив асосида амалга оширилса ва бу нормативлар узоқ муддат ўзгармас сақланса, салбий ҳолатни камайтириши мумкин. Фақат шу ҳолдагина, маҳаллий бюджетга маълум даврда қонуний тартибда йиғилган солиқларнинг бир қисми барқарор тушиб туришига имкон яратилади. Маҳаллий ҳокимият анна шу ўзига тегишли тушумни таъминлаш учун барча имкониятини ишга солади.

Хулоса қилиб айтсак, тартибга солувчи солиқларни тақсимлашни ислоҳ қилишнинг муҳим чораси, республикамиз бўйича маълум даврда барқарор нормативларнинг жорий этилиши ҳисобланади. Тартибга солувчи солиқлар бўйича белгиланган режадан ортиқ тушумлардан эса маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган тушумлари 50% қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Маълум муддат белгиланган барқарор нормативлар бюджет аниқлигини, истиқбол режаларини яхшиланишини, бюджет боқимандаларини камайишини ҳамда бюджет параметрларини ишлаб чиқишда келишувчанлик амалиётини қисқартиришни таъминлайди. Режадан ортиқ тушумларни ягона норматив асосида тақсимлаш, режадан ортиқча тушумлар йиғилишада манфаатдорликни оширади, республика ва маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаб дотация ҳажмини камайтиради.

2.3. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг амал қилиш механизми.

Солиқ муносабатлари мавжуд бўлишининг асосий шартларидан бири - бу давлатнинг мавжудлиги бўлса, иккинчи шarti бўлиб солиқларни тўлашга қобил бўлган солиқ тўловчиларнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон солиқлар тизими манбаига қараб солиқлар юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга ажратилади.


Солиқ солиш мақсадида **юридик шахслар** деганда мазкур мулкида, хўжалик юритиши ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил балансга ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Юридик шахслардан олинадиган солиқларга ҳамма эгри солиқлар, корхона даромадига солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, экология, савдо ташкилотларини ялпи даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ ва бошқалар киради. Баъзи солиқларни (ҚҚС, акциз) юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар ҳам тўлайдилар. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларга даромадга солиқ, ер, мол-мулк солиқлари киради. Ҳуқуқий шахслардан олинадиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг ҳал қилувчи қисмини (75-76 фоизи) ташкил этади. Бу солиқларнинг муҳим хусусияти нақд пулсиз корхоналар ҳисоб (жорий) счётларидан бюджет счётларига кўчириб қўйилади. Уни ундириш осон ва арзонга тушади. Жисмоний шахслардан олинадиган баъзи солиқлар нақд пулга ундирилганлиги учун уни тўлаш қийин кечади. Бундай солиқларга ер, мол-мулк солиқлари, ва қатор йиғимлар киради. Солиқ йиғиш харажати кўпайиб кетади. Чунки бу иш билан махсус тажрибага эга бўлган инспекторлар шуғулланади, ҳужжатлар (декларация, хабарномалар, чақириқлар ва бошқалар) кўп ёзилади.

Жисмоний шахслар солиқлари ичида энг йириги фуқаролар жами даромадига солиқдир. Бу солиқ орқали фуқароларнинг гуруҳлари даромадларини бошқариб бориш имконияти яратилади.

Биргина жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг энг юқори ставкасини оладиган бўлсак, у қуйидаги диаграммада келтирилган бўлиб, охириги ўн йил ичида 45 фоиздан 25 фоизгача пасайтирилди.

2.3.1-диаграмма*




Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошлангандиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади. Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинса, Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Бугунги кунда солиқ тизимимизни яхшиланмоқда, солиқдан имтиёзлар берилмоқда, солиқ ставкалари пасайтирилмоқда ва бунинг пировард натижаси сифатида хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ

* Солиқ ва божхона хабарлари газетаси. № 44 сон, 2 декабр 2007 йил. 7-бет

оғирлиги камаймоқда-деб айтамиз. Бундан амалиётда қанчалик фойдаланилмоқда? Ушбу имтиёз ва ставкалар пасайиши корхоналарга қанчалик таъсир этмоқдаки, буни қуйидаги келтирилган маълумотларни таҳлили асосида кўриб чиқамиз.

2.3.2-диаграмма



Ушбу келтирилган диаграмма маълумотларидан кўринадики, ОАЖ «Сарбон-Нефтгаз» корхонасида солиқ юки даражаси 2005-2007 йилларда пасайиб бориш тенденциясига эга. Солиқ солишнинг умумбелгиланган тартиби қўлланиладиган ушбу корхонада 2005 йилда солиқ юки 40,2% ни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб корхона ишлаб чиқарган маҳсулоти, кўрсатган (иш, хизматлари) дан тушган тушумнинг 36,5 % ни солиқ ва мажбурий тўловлар сифатида тўлаган. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 3,7 % га пасайган демакдир. 2.3.1-жадвал маълумотларига кўра, ушбу пасайиш 2006 йилда корхонада экология солиғи тўловининг мавжуд бўлмаганлиги, маҳсулот сотишдан тушумнинг 706806,0 минг сўмга ортиши, жами солиқлар ва тўловлар суммасининг нисбатан кам 220013,0 минг сўмга ортиши, яъни булар нисбатининг пасайиши ҳисобига бўлган. 2007 йилга келиб солиқ юки даражаси 35,9% ни ташкил этган бўлиб, бу 2005 йилга нисбатан 4,3 ва 2006 йилга нисбатан эса 0,6% га пасайган. Бу албатта ижобийдир. Бунда фойда

2.3.1-жадвал

ОАЖ «Сарбон-Нефтгаз» Корхонасининг 2005-2007 йилларда тўлаган солиқ ва мажбурий тўловлари тўғрисида
маълумот*


№	Курсаткичлар номи	Йиллар						Ўзгариши 2005 йилга нисбатан		Ўзгариши 2006 йилга нисбатан	
		2005		2006		2007					
		Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
	Махсулот сотишдан тушган тушум	1025111,0	100,0	1731917,0	100,0	2607324,0	100,0	1582213,0	254,3	875407,0	150,5
	Жами солиқ ва мажбурий тўловлар суммаси	411702,0	100,0	631715,0	100,0	935968,0	100,0	524266,0	227,3	304253,0	148,2
1	Юридик шахслардан	57729,0	14,0	77600,0	12,3	85734,0	9,2	28005,0	-4,9	8134,0	-3,1
2	Қўшилган қиймат солиғи	154627,0	37,6	273464,0	43,3	420013,0	44,9	265386,0	7,3	146549,0	1,6
3	Экология солиғи	7364,0	1,8	0,0	0,0	0,0	0,0	-7364,0	-1,8	0,0	0,0
4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	73,0	0,01	81,0	0,01	200,0	0,0	127,0	0,0	119,0	0,0
5	Мол-мулк солиғи	31099,0	7,6	34956,0	5,5	44185,0	4,7	13086,0	-2,8	9229,0	-0,8
6	Ер солиғи	20919,0	5,1	31379,0	5,0	47068,0	5,0	26149,0	-0,1	15689,0	0,1
7	Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривож.	10232,0	2,5	27181,0	4,3	37958,0	4,1	27726,0	1,6	10777,0	-0,2
8	Ягона ижтимоий тулов	84492,0	20,5	111722,0	17,7	183127,0	19,6	98635,0	-1,0	71405,0	1,9
9	Давлат мақсадли жамгармаларига ажратмалар	43055,0	10,5	72916,0	11,5	109704,0	11,7	66649,0	1,3	36788,0	0,2
10	Бошқа солиқлар	2112,0	0,5	2416,0	0,4	7979,0	0,9	5867,0	0,3	5563,0	0,5

* Хамза тумани Давлат Солиқ Инспекциясининг «Юридик шахслардан ҳисоботларни қабул қилиш» шўъбаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

солиғи ставкасининг камайтирилиши ҳисобига корхона фойда солиғи суммасининг жами солиқлардаги улуши 2007 йилда 2005 йилга нисбатан 4,9%га, 2006 йилга нисбатан 3,1% га камайганини кўриш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, солиқ ставкаларининг пасайиши корхонадаги ҳақиқатда солиқ юкининг пасайишига олиб келган.

Энди, ОАЖ «Файз» Холдинг Компаниясининг молиявий хўжалик фаолият юритишида солиқ ставкаларининг пасайтирилиши қандай таъсир этганлигини аниқлаш учун қуйидаги диаграммани келтириб ўтдик.

2.3.3-диаграмма



2.3.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, бугунги кунда мебел ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатимизда етакчи ўринда турувчи ушбу Холдинг Компания бошқа корхоналарга нисбатан кўпгина солиқдан имтиёзларга эга бўлиб, Компания «Маҳаллийлаштириш» дастурига киритилган кўпгина импорт маҳсулотлар бўйича божхона божи ва ҚҚС тўловларидан озод қилинган. Шу сабаб ҳам ушбу Компанияда солиқ юки даражаси бошқаларга нисбатан анча пастроқдир.

2005 йилда Компанияда солиқ юки даражаси 13,7 %ни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3,8 % га камайиб, 9,9 % ни ташкил этган. Бунда маҳсулот сотишдан тушган тушум 2005 йилга нисбатан 5731976,0 минг сўмга, 338019,5 минг сўмга ортган. 2006 йилда солиқ

2.3.2-жадвал

ОАЖ «ФАЙЗ» Холдинг Компанияси 2005-2007 йилларда тўлаган солиқ ва мажбурий тўловлари тўғрисида маълумот*

№	Курсаткичлар номи	Йиллар						Ўзгариши 2005 йилга нисбатан		Ўзгариши 2006 йилга нисбатан	
		2005		2006		2007					
		Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
	Махсулот сотишдан тушган тушум	6042878,0	100	11774854,0	100	11562182,0	100	5519304,	--	-212672,0	--
	Жами солиқ ва мажбурий тўловлар суммаси	827470,7	100	1165490,2	100	1576342	100	748871,3	190,5	410851,9	135,3
1	Юридик шахслардан	80638	9,7	40976	3,5	28674	1,8	-51964	-7,9	-12302	-1,7
2	Ялпи даромад солиғи	40554	4,9	93909	8,1	0	0,0	-40554	-4,9	-93909	-8,1
3	Қўшилган қиймат солиғи	279831	33,8	441582	37,9	721607	45,8	441776	12,0	280025	7,9
4	Акциз солиғи	29088	3,5	41688	3,6	36762	2,3	7674	-1,2	-4926	-1,2
5	Экология солиғи	67526	8,2	0	0,0	0	0,0	-67526	-8,2	0	0,0
6	Ягона солиқ (от торг.)	0	0,0	0	0,0	17986	1,1	17986	1,1	17986	1,1
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3692	0,4	512	0,0	8092	0,5	4400	0,1	7580	0,5
8	Мол-мулк солиғи	18221	2,2	37039	3,2	30561	1,9	12340	-0,3	-6478	-1,2
9	Ер солиғи	31662	3,8	47493	4,1	71240	4,5	39578	0,7	23747	0,4
10	Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривож. солиғи	0,0	0,0	0,0	0,0	145967	9,3	145967	9,3	145967	9,3
11	Ягона ижтимоий тулов	98336	11,9	120757	10,4	184938,4	11,7	86602,4	-0,2	64181,4	1,3
12	Давлат мақсадли жамгармаларига ажратмалар	177922,7	21,5	341534,1	29,3	330514,6	21,0	152591,9	-0,5	-11019,5	-8,3

* Сергеги туманидаги ОАЖ «ФАЙЗ» Холдинг Компаниясининг «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари асосида тузилди.

юкининг паст бўлишига Компанияда экология солиғи тўловининг мавжуд бўлмаганлиги, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўтган йилга нисбатан 3180,0 минг сўмга камайиши ҳамда фойда солиғининг 39662,0 минг сўмга пасайиши таъсир этган бўлиши мумкин. 2007 йилда ушбу Компанияда солиқ юки даражси 13,6 % ни ташкил этган бўлиб, бу 2005 йилга нисбатан 0,1% га камайдигани, аммо 2006 йилга нисбатан 3,7% га ортганлигини англатади. Бунинг кўпайиши 2006 йилга нисбатан ҚҚСнинг 280025,0 минг сўмга ёки 7,9% га ортиши, қўшимча совдо фаолияти учун 17986,0 минг сўм солиқ тўлаши, ер ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг 0,4% ва 9,3% га ортиши ҳисобига бўлган.

Аммо Компаниянинг фойда солиғи тўлови 2007 йилда 28674,0 минг сўмни ташкил этган бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 7,9% га, 2006 йилга нисбатан эса 1,7% га камайдиган. Айтиш мумкинки Компания бугунги кунда берилаётган солиқ имтиёзлардан самарали фойдаланмоқда ва солиқ ставкаларининг пасайиши умуман олганда Компания учун ижобий таъсир этган.

Юқоридаги маълумотлар кўрсатадики, юридик шахслар солиқлари ичида эгри солиқлар салмоғи ортиб бориши тенденциясига эга, тўғри солиқлар салмоғи эса пасайиб бориш йўналишидадир. Бундай ҳолат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссасига тушадиган солиқ юкини камайитириб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиради. Шу билан бирга тўғри ва эгри солиқлар бюджетнинг мустаҳкам манбасига айланиб унинг ўта ижтимоий зарур бўлган харажатларини ўз вақтида ва узлуксиз молиялаштириш имконини яратади. Буларнинг аҳамияти беқиёс каттадир. Бу солиқларсиз бюджетларни режали молиялаштириш иложи йўқ.

Юридик шахслар солиқлари пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Тўғри солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга мўлжалланган маблағларини қисқартириб муомалага оз пулларни чиқаришга олиб келади. Эгри солиқлар эса товарлар (ишлар, хизматлар) таркибида бўлиб, баҳо ҳисобига муомаладаги ортиқча пулларни муомаладан олади.

Шундай қилиб солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқ тизимидаги ўзгаришларни корхоналарга таъсирини яна бир қуйида келтирилган АЖ «Пахтамаш» корхонаси мисолида кўриб чиқамиз.

2.3.4-диаграмма



Қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўринадики, Корхонада солиқ юки даражаси келтирилган давр мобайнида камайиш тенденциясига эга бўлган. АЖ «Пахтамаш» корхонасида 2005 йилда маҳсулот сотишдан тушган тушум 2134546,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, унинг 27,6% ни солиқлар ва мажбурий тўловлар сифатида тўлаган ҳамда ишчилар сони 413 кишини ташкил этган. 2006 йилга келиб ушбу корхонада солиқ юки даражаси 5,8 %га пасайган. Ушбу камайиш 2005 йилга нисбатан экология солиғининг бекор бўлиши, ишчилар сонининг 79 тага камайиши ва бунинг натижасида ягона ижтимоий тўловнинг 19076 минг сўмга ёки 9,1% га камайиши таъсир этган. Айтиш мумкинки ушбу даврда ишчилар сонининг камайгани билан меҳнат унумдорлиги юқори бўлган. 2007 йилда корхонада солиқ юки 22,9% ни, ишчилар сони эса 314 кишини ташкил этган ва бу 2005 йилга нисбатан 4,7%га пасайган, аммо 2006 йилга нисбатан 1,1% га ортганлигини кўрсатади. Ушбу кўпайиш 2006 йилга нисбатан

2.3.3-жадвал

АЖ «ПАХТАМАШ» корхонасининг 2005-2007 йилларда тўлаган солиқ ва мажбурий тўловлари тўғрисида маълумот*

№	Курсаткичлар номи	Йиллар						Узгариши 2005 йилга нисбатан		Узгариши 2006 йилга нисбатан	
		2005		2006		2007		Сумма	%	Сумма	%
		Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%				
	Махсулот сотишдан тушган тушум	2134546,0	100,0	3668625,0	100,0	4527162,0	100,0	2392616,0	--	858537,0	--
	Жами солиқ ва мажбурий тўловлар суммаси	588318,0	100,0	801426,0	100,0	1035441,0	100,0	447123,0	176,0	234015,0	129,2
1	Юридик шахслардан	27638,0	4,7	28254,0	3,5	21315,0	2,1	-6323,0	-2,6	-6939,0	-1,5
2	Ялпи даромад солиғи	5086,0	0,9	10382,0	1,3	0,0	0,0	-5086,0	-0,9	-10382,0	-1,3
3	Қўшилган қиймат солиғи	165949,0	28,2	407749,0	50,9	491574,0	47,5	325625,0	19,3	83825,0	-3,4
4	Ипорт товарлари учун бож	0,0	0,0	0,0	0,0	21838,0	2,1	21838,0	2,1	21838,0	2,1
5	Экология солиғи	23267,0	4,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-23267,0	-4,0	0,0	0,0
6	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,0	0,0	0,0	0,0	4862,0	0,5	4862,0	0,5	4862,0	0,5
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2350,0	0,4	3170,0	0,4	0,0	0,0	-2350,0	-0,4	-3170,0	-0,4
8	Мол-мулк солиғи	5216,0	0,9	5678,0	0,7	6008,0	0,6	792,0	-0,3	330,0	-0,1
9	Ер солиғи	94593,0	16,1	127272,0	15,9	166460,0	16,1	71867,0	0,0	39188,0	0,2
10	Ягона ижтимоий тулов	148404,0	25,2	129328,0	16,1	164832,0	15,9	16428,0	-9,3	35504,0	-0,2
11	Давлат мақсадли жамгармаларига ажратмалар	48321,0	8,2	88682,0	11,1	42306,0	4,1	-6015,0	-4,1	-46376,0	-7,0

* М.Улуғбек туманидаги АЖ «ПАХТАМАШ» корхонасининг «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

корхона жорий йилда импорт товарлар учун давлат божини тўлаганлиги, ер ости фойдали қазилмаларидан фойдаланганлиги ва ушбу фаолият бўйича солиқ тўловларни амалга оширгани ҳамда дивиденд бўйича тўловларни 11535 минг сўмга ортиши ҳисобига бўлган. Умуман олганда юқорида кўриб ўтган корхоналар учун солиқлар ставкасининг пасайтирилиши 2005-2006 йилларда солиқ юки даражасини пасайиши аммо 2006-2007 йилларда бироз ортганини кўриш мумкин. Аммо 2007 йилдаги солиқ юки даражаси 2005 йилга нисбатан кўриб ўтилган корхоналарнинг барчасида 5-8% атрофида тебраниб пасайганини кузатиш мумкин.

Айтиш жоизки, солиқларнинг ошиши товар (хизмат, иш) таклифини оширади, талабни камайтиради. Бу эса пул эмиссиясини камайтиради. Аммо таклифда реал қиймати паст бўлганлигидан инфляцияни пайдо қилиши мумкин.

Юридик шахслар ўзларига юклатилган солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўз вақтида, тўлиқ тўлаш жавобгарлигини олганлар яъни уларни солиқ муносабатларида солиқ агенти сифатида эътироф этиш мумкин. Уларнинг тўлайдиган солиқлари асосан нақд пулсиз, яъни корхона, ташкилот, бирлашманинг банкдаги ҳисоб счётларидан маблағни кўчириб, республика ёки маҳаллий бюджет счётларига ўтказиш йўли билан амалга оширади. Қонунда белгиланган тартибда ҳар қандай юридик шахс ўз солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни белгиланган вақтда бюджетга тўлиқ ўтказишга мажбурдирлар. Бунинг учун улар солиқ ва бошқа тўловларнинг муддати келган кунгача пулларни ўтказиш ҳужжатлари бўлмиш тўлов топшириғи, чекларни ёзиб банкларга топширган бўлишлари керак.

Агар тўлов топшириқлари ўз муддатида ёзилиб банкларга топширилмаган бўлса солиқ идоралари ўзларининг инкассо-тўлов талабномалари орқали ундириб оладилар. Ҳар бир ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган кун учун ўтказилиши керак бўлган солиқ суммаси ҳисобидан солиқ кодексининг 120-моддасига кўра 0,05 фоиз пеня ҳисобланиб солиққа қўшимча равишда бюджетга мажбурий ундирилади. Албатта пеня


суммасининг кўпайиши корхонананинг молиявий ҳолатига салибий таъсир кўрсатади. Пеня корхона учун кўшимча солиқдир.

Шунинг учун ҳар қандай хўжалик субъектлари ҳисобчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларда белгиланган тўлов муддатигача ўз вақтида тўлаб боришлари шарт. Бунда айниқса бўнак (аванс) тўловларга кўпроқ эътибор қаратилиши лозим, чунки ҚҚС, фойдага солиқ ва бошқаларда бўнак тўловлар сони кўп бўлганлигидан боқиманданинг кўпайишига олиб келади. Ҳозирги кунда бу боқиманда билан кураш иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим давлат тадбирларига айланмоқда.

Юридик шахсларнинг ҳамма солиқлари нақд пулсиз тўланади. Бироқ, айрим йиғимлар (давлат ва божхона божлари) нақд пулли бўлиши мумкин. Юридик шахслар солиқларини нақд пулсиз тўланиши жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Пул ўтказишлар тезлашади, ижтимоий харажатлар тежалади.

Қуйида Хамза тумани ДСИ маълумотлари асосида тузилган 2.3.6-диаграмма ва 2.3.5-жадвалларда жисмоний шахслар тўлайдиган баъзи солиқларнинг йиллар бўйича ўзгариш тенденцияси келтирилган.

2.3.6-диаграмма



Жадвал маълумотларидан кўринадики, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, мол-мулк солиғи ҳамда ер солиғи йиллар бўйича ўсиш тенденциясига эга. Буни албатта ижобий баҳолаш мумкин. Бу ўсиш

2.3.5-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг 2005-2008 йиллар бўйича динамикаси.*

№	Солиқлар номи	Йиллар							
		2005й		2006й		2007й		2008й	
1	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	8171479,1	100,0	9791532,9	119,8	13616348,3	166,6	15235100,0	186,4
2	Мол-мулк солиғи	184470,1	100,0	199082,0	107,9	206242,4	111,8	190900,0	103,5
3	Ер солиғи	154165,2	100,0	248900,7	161,5	419959,3	272,4	478660,7	310,5
	Жами	8510114,4	100,0	10239515,6	120,3	14242550,0	167,4	15904660,7	186,9

* Манба.Хамза тумани Давлат Солиқ Инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

даромад солиғи бўйича, солиқ ставкаси юқори шкаласининг 30%дан 25%гача туширилганига қарамай, шу муддат оралиғида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошиши, солиқ тўловчилар сонининг ортиши ҳисобига бўлган.

Жисмоний шахслар деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар эса бюджет даромадининг 20-21 фоизини эгаллайди. Молия йилида солиқ солинадиган даромад, мол-мулк, ер, майдони, транспорт воситалари ва шу каби бошқа предметларга эга бўлган жисмоний шахслар уларга белгиланган солиқларни тўлайдилар.

Инфляция даражаси эса бунга салбий таъсир этган. Даромад солиғидан тушум 2005 йилда 8171479,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу тушум 2006 йилда 19,8% га, 2007 йилда 66,6% га ўсган ҳамда 2008 йилда 86,4% га ўсиши режалаштирилган. Мол-мулк солиғи эса 2005 йилда 184470,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2006 йилда 2005йилга нисбатан 7,9% га, 2007 йилда 11,8 % га ўсган, аммо 2008 йилда ушбу тушумнинг 2007 йилга нисбатан 8,3% га камайиши кузатилмоқда. Ер солиғи бўйича тушум 154165,2 минг сўмни ташкил этиб, 2006 йилдаги тушум 2005 йилга нисбатан 1,6 баробарга, 2007 йилда 2,7 баробарга ортган ҳамда 2008 йилда ушбу тушумни 478660,7 минг сўмгача ёки 2008 йилга нисбатан 3,1 баробарга ортиши режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз солиқ қонунчилигидан келиб чиқиб солиққа тортиш нуқтаи-назаридан юридик шахсларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлашимиз мумкин:

1. Умумий тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар;
2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар;
3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;
4. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
5. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Умумий тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар қуйидаги солиқларни тўлайди: Даромад (фойда) солиғи;

- Қўшилган қиймат солиғи;
- Ялпи даромад солиғи;
- Акциз солиғи;
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Ягона солиқ тизимига ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар қуйидаги солиқларни тўлайди:

- Ягона солиқ тўлови;

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари қуйидаги солиқни тўлайди:

- Ягона ер солиғи.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қуйидаги солиқларни тўлайди:

- Ягона солиқ тўлови;

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари (сартарошхона, биллиардлар, ўйин автоматлари) билан шуғулланувчи юридик шахслар қуйидаги солиқни тўлайди:

- қатъий солиқ.

Шунингдек юқоридаги барча юридик шахслар қуйидаги йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам тўлайдилар:

- Божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, акциз солиғи ва товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);

- Давлат божлари;
- Савдо ҳуқуқини берувчи йиғимлар, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар;
- Давлат мақсадли фондларига ажратмалар (бюджетдан ташқари пенсия фонди, республика йўл фонди, бандлик фонди);
- Рўйхатга олганлик учун йиғим.

Тўғри солиқлар даромад (фойда) солиқлари ва ресурслар солиқларидан ташкил топади. Эгри солиқлар эса қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божидан иборатдир. Юридик шахсларнинг бу солиқлари бюджет даромадларини асосий қисмини ташкил этишини куйидаги Хамза тумани давлат солиқ инспекцияси мисолида кўриш мумкин. Илгари айтганимиздек юридик шахсларнинг бюджетларга тўлайдиган солиқлари тўғри ва эгри солиқларга бўлинади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар таркиби куйидагилардан иборат:

- Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ;
- Мол-мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- Ягона божхона тўлови (импорт божи, қўшилган қиймат солиғи ва йиғим ўрнига жорий этилган);
- Импорт учун акциз солиғи;
- Давлат божи;
- Савдо ҳуқуқини берувчи йиғим, шу жумладан товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар;

- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Қуйидаги жадвалда Хамза тумани бўйича юридик шахслардан олинадиган солиқлар тушумларнинг маълумоти келтирилган.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчилар икки катта гуруҳга, яъни юридик ва жисмоний шахслар гуруҳига бўлинади ва уларнинг фаолият кўрсати хусусиятидан келиб чиқиб яна таркибий қисмларга ажатиш мумкин. Республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда юридик шахслар тўлайдиган солиқлар катта аҳамиятга эгаллигини юқоридаги маълумотлардан бевосита кўришимиз мумкин.

2.3.6-жадвалда Хамза тумани маълумотлари бўйича юридик шахслардан олинадиган солиқларнинг 2005-2007 йил маълумотлари ва 2008 йил учун прогнози келтирилган. Бунда юридик шахслар тўлайдиган солиқлари ичида ҚҚС, акциз солиғи, ер солиғи ката улушига. Ушбу туманда 2006 йилда акциз солиғи, мол-мулк солиғи, инфраструктура ривожлантириш солиқлари бўйича жорий йил учун қилинган прогноз бўйича ҳақиқатда тушган тушум орасида салбий фарқ мавжуд бўлган.

Аммо 2007 йилда прогноз қилинган тушум мол-мулк солиғи, инфраструктура ривожлантириш солиқлари бўйича 81,1% ва 94,8% атрофида сақланиб қолган. Бунда корхоналарда кутилаётган фойдага эга бўлолмаганлиги сабаб тушум ҳам шунга мос ҳолда пасайган.

Бироқ корхоналарнинг фойда солиғи ҳақиқатда қарийб 27% га ошган, бу эса шу туманда янги корхоналарнинг ишга тушиши ва ўз навбатида улардан олинадиган фойда солиғининг ортишига олиб келган.

Яна шуни айтиш жоизки, 2007 йилдан бошлаб корхоналар тўлайдиган ялпи даромад солиғининг олиб ташланиши кутилаётган тушумга салбий таъсир этмаган. Шунга қарамай, ҚҚС тўлови ҳали ҳам корхоналарни оғир аҳволга солиб қўймоқда.

2.3.6-жадвал

Юридик шахслардан олинадиган соликларнинг йиллар буйича динамикаси.*

№	Солиқлар номи	Йиллар							
		2005й		2006й		2007й		2008й	
1	Юридик шахслар даромадига (фойдасига) солиқ	3532431,2	100,0	3593462,8	101,7	4483764,4	126,9	4716900,0	133,5
2	Ялпи даромаддан солиқ	3255118,4	100,0	3793836,9	116,5	0,0	0,0	0,0	0,0
3	Мол-мулк солиғи	2906222,1	100,0	2511600,3	86,4	2358229,6	81,1	2951600,0	101,6
4	Ер солиғи	3960071,2	100,0	5014446,4	126,6	5576572,6	140,8	6741700,0	170,2
5	Ер ости бойликлари учун солиқ	7657	100,0	9125,5	119,2	4303,3	56,2	3784,0	49,4
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	202713,4	100,0	245563,5	121,1	288752,5	142,4	344900,0	170,1
7	Қўшилган қиймат солиғи	12824240	100,0	15917083,1	124,1	24296197,2	189,5	24190000,0	188,6
8	Акциз солиғи	13098045	100,0	9813707,9	74,9	14194034,2	108,4	14158500,0	108,1
9	Божхона божи	301446,8	100,0	276862,8	91,8	323819,9	107,4	511300,0	169,6
10	Инфраструктура ривожлантириш солиғи	1457388,7	100,0	1228002,8	84,3	1382047,4	94,8	1634500,0	112,2
	Жами	41545333,8	100,0	42403692,0	102,1	52907721,1	127,3	55253184,0	133,0

* Манба. Хамза тумани Давлат Солиқ Инспексияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

III боб. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари

3.1. Ўзбекистон солиқ тизимида чет мамлакатлар солиқ тизими амалиётидан фойдаланиш масалалари

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқ тизимининг самарасини оширишга кўмаклашувчи муҳим ва зарур шартлардан бири узоқ вақтлардан буён солиқлар иқтисодий ёки бошқаришнинг энг таъсирчан воситаларидан бири сифатида самарали фойдаланиб келинган ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганишдир. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимлари, ушбу мамлакатларда ҳукм суриб турган ҳар-хил иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитларга боғлиқ равишда ривож топади. Чет мамлакатлар солиқ тизимлари бир-биридан солиқларнинг ундирилиши, таркиби, ҳисоблаш усули, ставкалар, берилган имтиёзлар ва қолаверса солиқ йиғувчиларга берилган ҳуқуқлар билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатлар солиқ сиёсатида иккита алтернатив йўналиш мавжуд. Улардан бири - юқори умумий солиқ ставкаларида солиққа тортиладиган даромадларни кўплаб имтиёзлар ва чегирмалар бериб, солиқларни табақалаш иборат. Иккинчиси эса аста-секин имтиёзлардан кечиб, солиқ базасини кенгайтириш ва солиққа тортиш умумий ставкасини пасайтиришдан иборат.

Солиқларнинг жуда ҳам юқори ва жуда паст бўлиши жамият талабига тўғри келмаслигидан дарак беради. Шу сабабдан солиқларнинг энг мақбул (оптимал) даражасини аниқлаш муаммоси солиқлар пайдо бўлганидан бошлаб мунтазам равишда илмий ва амалий изланишлар мавзуи бўлиб келган.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, солиқ даражаси ҳамма давлатларда ёки бир давлатни ўзида ҳар хил даврларда бир хил бўлиши мумкин эмас. Унинг даражаси жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаёлига боғлиқ. Жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида солиқ сифатида ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 30-45% гача давлат бюджетига ўтказилади. Буни қуйида келтирилган 3.1.1-жадвал ва 3.1.3-диаграмма маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.


№	Давлатлар номи	2003 й			2004 й			2005 й			2006 й			2007 й		
		ЯИМ	Жами солиқлар ва мажбурий туловлар		ЯИМ	Жами солиқлар ва мажбурий туловлар		ЯИМ	Жами солиқлар ва мажбурий туловлар		ЯИМ	Жами солиқлар ва мажбурий туловлар		ЯИМ	Жами солиқлар ва мажбурий туловлар	
			Солиқ юкки (%да)			Солиқ юкки (%да)			Солиқ юкки (%да)			Солиқ юкки (%да)			Солиқ юкки (%да)	
1	Англия (mln. pound)	1118,3	407,9	36,5	1184,3	437,15	36,9	1234,0	467,89	37,9	1303,6	503,46	38,6	1385,1	513,61	37,1
2	Франция (mln. euro)	1594,8	710,413	44,5	1660,2	746,214	44,9	1717,9	781,487	45,5	1792,0	824,108	46,0	1867,9	870,922	46,6
3	Канада (mln. dollar)	1214,6	226,713	18,7	1290,19	181,426	14,1	1368,73	256,792	18,8	1439,29	265,073	18,4	1531,43	282,665	18,5
4	АҚШ (mln. dollar)							12433,9	2236,98	18,0	13194,7	2466,89	18,7	13843,8	2772,99	20,0

Ушбу келтирилган жадвал маълумотларидан кўринадики, Англияда 2003-2007 йилларда ўртача солиқ юки 36,5-38,6 % ни ташкил этган бўлиб, ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо солиқ юки даражаси 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 1,5 % га пасайган. Франция мамлакатида ҳам солиқ юки даражаси Англияга нисбатан анча юқори бўлиб, у 2003 йилда 44,5 % ни ташкил этган. Охирги тўрт йил мобайнида эса солиқ юки даражаси 46,6 % гача кўтарилган. Бу мамлакатда яратилаётган ЯИМ нинг қариб ярмини давлат солиқ сифатида олиб қўяётганлигидан далолатдир. Канадада эса солиқ юки даражаси Англия ва Франция мамлакатларига нисбатан 2-2,5 баробарга пастдир. 2003 йилда Канада ЯИМ нинг ўртача 18,7 % ни солиқлар сифатида олиб қўйган бўлса, 2004 йилга келиб 14,1 % гача пасайган. Бунда ЯИМ нинг 76,5 млн. доллар ортиши, солиқлар суммасининг 45,3 млн. Долларга

* Манба: April 2008, International Monetary Fund: *International Financial Statistics* журналі маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

камайтирилиши таъсир этган. АҚШда ҳам солиқ юки 2005-2007 йилларда 18,0-20,0 % оралиғида тебраниб туришини кузатиш мумкин. Буни мамлакат ривожланишида ижобий баҳолаш мумкин.

3.1.3-диаграмма*



Охирги йилларда бир қатор ривожланган давлатларда иқтисодиётга солиқ юкини камайганлигини кузатиш мумкин. Бунда солиқ юкининг миқдори 18,7% дан (АҚШда) 33,9% гача (Норвегияда) оралиқда тебраниб туради, Германия, Японияда ўртача 25-30% ни ташкил қилади. Россия, Латвия, Қозоғистон, Литва давлатларида ушбу кўрсаткич 19,3% дан 22,4% гача оралиқдан иборат.

Қуйидаги келтирилган 3.1.1- диаграммада мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги солиқ юки даражасининг йиллар бўйича ўзгариш тенденцияси келтирилган ва умумий олганда ушбу кўрсаткич пасайиб бориш хусусиятига эга.

Ушбу диаграмма маълумотлари шуни кўрсатадики, Мустақил давлатларда хўжалик юритувчи субъектлардаги солиқ юки даражаси 1991-2007 йиллар оралиғида икки баробардан ортиқ камайтирилди. Яъни мамлакатлар миқёсида

* Манба: April 2008, International Monetary Fund: *International Financial Statistics* журнали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.




солиқ юки даражаси 1991йил – 45% ни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб ушбу кўрсаткич 21,3 %гача пасайтирилди. Бунда солиқ юки 2000-2004 йиллар оралиғида 6,6 % га, 2005 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан кескин 7,8 % га пасайганини кўриш мумкин. Бу эса ушбу мамлакатларда солиқ тизимининг такомиллаштириб борилаётганлигидан дарак беради.

Ҳозирги кунда мол-мулкка солинадиган солиқ, ерга солинадиган солиқларни босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Бунда АҚШ бюджети даромадида мол-мулкка солинадиган солиқ 13,1 %ни, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 3,0 % га яқин салмоққа эга. Бу тўловни фискал аҳамияти ҳам ошиб бориши керак. 2007-2008 йилларга келиб ҳуқуқий шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 3,5% гача кўтарилган.

Агар ривожланган мамлакатларда бевосита ва билвосита солиқларнинг бирига нисбатини оладиган бўлсак, баъзи мамлакатларда ўртача 60/40 (АҚШ, Австралия, Норвегия) ташкил этаётган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда (Монголия, Чехия, Россия, Венгрия) бу нисбатнинг аксини, яъни бу кўрсаткич 40/60 ни ташкил қилади. Буни қуйидаги диаграммадан бир қатор ривожланган мамлакатлар солиқ тизимидаги тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатини кўриш мумкин.

* «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси.-Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими. 2007й 2 декабрдаги №44-сон маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ривожланган мамлакатларда бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбати.



Ушбу диаграммадан кўриш мумкинки, тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатидаги тўғри солиқлар улуши АҚШ, Австралия, Германия, Норвегия каби давлатларда эгри солиқлар улушига нисбатан анча юқори кўрсаткични ташкил этади. Монголия, Чехия, Венгрия, Россия ва мамлакатимиз солиқ тизимида эгри солиқларнинг улуши тўғри солиқлар улушига нисбатан юқоридир. Франция, Англия ва Германия солиқ тизмида тўғри ва эгри солиқлар нисбати орасидаги фарқ жуда кичикдир. Бизнинг мамлакатимиздаги тўғри ва эгри солиқлар нисбати кўпроқ Россия солиқ тизимига ўхшаб кетади.

Франция солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги кунда Европада саноати ривожланган йирик давлатлардан бири Франция ҳисобланади. Франция бюджетининг асосий даромад манбаи эгри солиқлар бўлиб, уларнинг энг муҳими қўшилган қиймат солиғидир. Францияда ҳозирги кунда 20,6 ва 5,5 фоизга тенг бўлган қатъий ва пасайтирилган ҚҚС ставкалари қўлланилади. Пасайтирилган солиқ ставкалари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий жиҳозлар, китоб, юк ва пассажир ташиш, корхона ишчилари овқатланиши, маданий тадбирлар,

* Манба. 2007йил декабр «Солиқ ва божхона хабарлари» журналы маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

туризм ва меҳмонхона хизматларига нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, Францияда қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқа мулкларни сотишдан олинган бир марталик даромадлар ҳам солиққа тортилади. Франция солиқ тизимидаги ушбу усулни бизнинг солиқ тизимимизда қўллаш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

Кўчмас мулк сотувидан олинган фойда жорий йилнинг солиққа тортиладиган даромадига қўшилади. Солиқ ставкаси кўчмас мулкнинг сотувчи ихтиёрида бўлган муддатига боғлиқ бўлади. Нолинчи ставка эгалик муддати 32 йилдан ошган кўчмас мулклар учун қўлланилади. Шунингдек, Францияда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахслар олган даромадлари бўйича декларацияни худди бизнинг солиқ тизимимиз каби ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар тақдим этади.

Бундан ташқари, Франция солиқ тизимида чет эл компанияларига тегишли бинолар учун дискриминацион хусусиятга эга бўлган солиқ қабул қилинган. Бу солиққа (ставкаси 3 %) бош офиси Франциядан ташқарида жойлашган барча чет эл компанияларининг кўчмас мулклари ҳам тортилади. Француз компаниялари учун кўчмас мулкка қўйилган энг юқори солиқ ставкаси -1,5 фоиз.

Таъкидлаш керакки, дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларидаги асосий солиқ турлари ва уларни ҳисоблаш механизми Франциянинг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан биринчи марта жорий этилган. Бунга мисол қилиб, юқорида таъкидланган қўшилган қиймат солиғи, аксиз солиғи каби кўпчилик давлатлар учун асосий бюджет манбаи бўлган солиқ турларини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Япония солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари.* Чет эл солиқ қонунчилигини ўрганувчилар учун Япония солиқ тизими алоҳида қизиқиш касб этади. Японияда барча солиқ даромадларининг 64% дан ортиғини ҳукуматнинг молиявий қудратини ифодаловчи федерал солиқлар ташкил этади. Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Япония давлатида

* Манба. Интернет(www.google.ru) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

даромаднинг кўпроқ қисмини даромад солиқлари - корпорацияларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиқлари ташкил қилади. Турли йиллар давомида бюджет даромад ҳажмининг 35 фоиздан 42 фоизгача бўлган улушини жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ташкил этган. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи Япония давлат бюджети учун катта аҳамиятга эга. Даромад солиғини ҳисоблаш учун, солиқ тўловчининг турли манбалардан олган даромадлари қўшилади ва сўнгра даромаднинг умумий суммасидан турли чегирмалар (ижтимоий суғурта бадаллари, ҳаётни суғурта қилиш ва нафақа фонди, тиббий хизматга кетадиган харажатлар ҳамда ногиронлар, қариялар, бевалар учун махсус чегирмалар) инобатга олинган ҳолда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор чегириб қолинади. Бунинг натижасида Японияда 4 кишидан иборат бўлган оила учун солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор қиймати АҚШ, Германия, Англия, Франция каби мамлакатларга нисбатан анча юқоридир. Бундан ташқари Японияда бир хил йиллик даромадга эга бўлган оила аъзолари (эр-хотин), бир ёки икки киши ишлашидан қатъий назар, турли хил даромад солиғи тўлайдилар. Замонавий Япония солиқ тизими эр-хотиннинг ҳар иккаласи бир хил даромад олиб ишлайдиган оилаларни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун фақат бир киши ишлайдиган оилалар оғир солиқ юкини тўлашга мажбурдирлар.

Шунингдек, Японияда мулкни бошқа шахсга эгаликка бериш, мерос, совғалар ҳамма вақт солиққа тортилувчи объектлар бўлиб келган. Топшириладиган хусусий мулкни солиққа тортишнинг икки асосий шакли мавжуд: совға ва васиятнома. Бунга мос равишда мерос солиғи ва совға солиғи мавжуд. Фарзанд, ота-она, ака-ука ёки опа-сингил бўлмаган меросхўрлар учун мерос солиғи ставкаси қўшимча 20%га ошади, умумий солиқ ставкаси эса ушбу қўшимчалар қўшилган ҳолда меросхўрнинг 75 % ҳақиқий улушидан ошмаслиги керак.

Энг эътиборли жиҳати шуки, Япония давлат бюджети даромадларининг 55 фоизини солиқлар ва йиғимлар ташкил этади, холос. Бюджетнинг қолган қисми эса асосан давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни

корхона ва аҳолига сотишдан тушум эвазига тўлдирилади. Эътиборга лойиқ томони шуки, Японияда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда жами оила даромади инобатга олинган ҳолда солиққа тортилади ва бунда салмоқли имтиёзлар берилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни айтиш жоиз, Япония солиқ тизимида, бюджет даромадларида солиқсиз тушумлар (45%) улушининг юқорилиги, қайсики Ўзбекистон бюджет даромадларининг 95-97% улуши солиқлар ҳисобидан шакллантирилади. Бу жараёнга республикамизда аста – секинлик билан ўтиб борилса, солиқ юкининг ҳам пасайтиришга эришилади.

Японияда кенг тарқалган профилактика ойлигини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва мамлакатда тарғибот ойлигини жорий этиш. Солиқ тўловчиларнинг ҳудудий савиясини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари Японияда мерос ва совғага нисбатан солиқ мавжуд бўлиб, у бюджет даромадларининг 5%ни ташкил этади. Республикамизда ҳам қолдириладиган мерос ва совғадан олинадиган солиқни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Россия солиқ тизими тузилиши тамойиллари. Россия Федерациясининг «Россия Федерациясининг асосий солиқ тизими тўғрисида»ги қонунида солиқ тизимида шундай тушунча берилади: «Белгиланган тартибда ундириладиган солиқлар, пул йиғими, бож ва бошқа тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил қилади». Қонун шунингдек, солиқ тўловчилар доирасини аниқлайди: «Солиқ тўловчилар бу қонун ҳужжатларига асосан солиқ тўлаш мажбуриятлари юкланган юридик шахслар, бошқа тоифадаги солиқ тўловчилар ва жисмоний шахслардир».

Буларга қўшимча тарзда, солиққа тортиш объектларини, қонунга мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзларни алоҳида кўрсатиш зарур. «Қонуний ҳужжатлар билан белгиланган даромад (фойда), баъзи молларнинг нархлари, солиқ тўловчиларнинг баъзи фаолият турлари, қимматбаҳо қоғозлар билан

операциялар, табиий захиралардан фойдаланиш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсламинг мулклари, мулкларни бошқа шахсга бериш, маҳсулот ва хизматларнинг ва бошқа объектларнинг қийматига қўшимча солиқ солиққа тортиш объектларидир».

Солиқ тизимини Россия давлат бошқаруви марказий ташкилотларига кирувчи, Россия Федерацияси Президенти ва ҳукуматига бўйсинувчи ва вазир даражасидаги раҳбар томонидан бошқарилувчи Россия давлат солиқ хизмати бошқаради. Россия давлат солиқ хизматининг бош вазифаларидан бин солиқ тўғрисидаги қонуниятларга риоя қилиниш, уларнинг тўғри ҳисобланиши, тегишли бюджетларга қонуният билан белгиланган давлат солиқлари ва бошқа тўловларнинг тўла ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилишдир.

Россия Федерациясидаги солиқ тизимида солиқлар қуйидаги 3 турга бўлинади:

- федерал солиқлар;
- республика солиқлари ва РФ таркибига кирувчи республикалардан, миллий-давлат ва маъмурий ташкилотлардан, бу республикалар қонунлари ва бу ташкилотлар давлат ташкилотининг қарорлари томонидан белгиланувчи пул йиғимлари;
- ҳукуматнинг маҳаллий ташкилотлари томонидан РФ ва РФ таркибига кирувчи республикаларнинг қонуниятларига мувофиқ белгиланувчи маҳаллий солиқлар ва пул йиғимлари.

3.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари

Ўзбекистон иқтисодиётида солиқ юкини камайтириш, солиқ сиёсатини асосий йўналиши ҳисобланади. Мустақилликка эришилгандан сўнг солиқларнинг фискал функцияси бозор иқтисодиёти шароитида устивор даражада ривожланиб кетди. Натижада солиқ юки ошиб борди ва ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир қила бошлади. Бу ҳол ўз навбатида қатор кичик корхоналар фаолиятини тўхтатиб қолишига сабаб бўлди. Иқтисодиётни бошқаришда янги солиқ сиёсатига ўтишга тўғри келди ҳамда бугунги кунга келиб анча такомиллашди. Бунга яққол мисол сифатида янги таҳрирдаги солиқ кодексининг ишлаб чиқиб, уни амалга киритилишини айтиб ўтиш жоиздир.

Аммо Солиқ кодексни ҳали тўла даражада мукамал деб бўлмайди. Чунки уни ҳар қандай тадбиркор ҳам бир ўқиганда тушуниши қийин кечади. Яъни кодекснинг кўпгина моддаларида бирор имтиёз бўладими, бирор предметни изоҳлашга керак бўладими ёки шу каби бошқа ҳолларда “23-модданинг 2-қисмининг 3- бандига назарда тутилганлари” ёки “350-модданинг 2-қисми 4-бандида келтирилганлардан ташқари”, - деган сўзлар уни ўқиётган моддасининг бошланишини эсидан чиқиб кетишига олиб келади.

Солиқ тизими хусусиятлари аввало, мамлакат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари, географик жойлашуви, демографик ҳолати кабиларни ҳисобга олган ҳолда намоён бўлади. Солиқ тизими хусусиятлари борасида тўхталганда, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, унинг хусусиятлари солиқ тизимига турли нуқтаи-назардан ёндашишни талаб этади. Масалан, тўғри ва эгри солиқлар нисбатининг ҳолати ва унинг истиқболлари солиқ тизимининг бир хусусияти сифатида қаралса, солиқларни бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг механизмини ҳам унинг хусусияти сифатида қараш мумкин.

Солиқ тизими хусусиятлари нафақат амалда бўлган солиқ турларида, шунинг билан биргаликда солиқ тўловчиларни давлат солиқ хизмати идоралари томонидан назорат қилиш усулларида, солиқларни бюджетга ундириш

механизми ва шу кабиларда ҳам намоён бўлади. Умуман олганда солиқ тизими хусусиятлари мамлакат қонунчилиги асосида шаклланади ва уларга шу орқали ҳуқуқий шакл берилади.

Шу ўринда республикамиз солиқ тизимининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан юритилаётган солиқ сиёсатининг бугунги кундаги ҳолати ва ундаги айрим муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган йўналишларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Шунингдек иқтисодиётни раванқ топшишида тўғри ва эгри солиқлар нисбатини оптимал масаласини ечилишини ҳамма ҳам бир хил тушунавермайди.

Бу нисбатни тўғри ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида солиқлар юқини аста-секин камайтира бориш ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. Чунки, дунё иқтисодчиларининг айтишича, солиқ юқини камайтириш иқтисодиёт раванқи учун тесқари пропорционалдир, яъни солиқ юқи қанча камайса, иқтисодиёт ривожланиши шунча кўпаяди.

Иқтисодиётга умумий солиқ юқини камайтириш сиёсати ҳозиргача давом этиб келмоқда. Маъмурий ислохотларни амалга ошириш, хусусийлаштиришни фаоллаштириш, фаол инвестицион сиёсатни олиб бориш орқали иқтисодиётни барча тармоқларида чуқур тарқибий ўзгаришларни амалга ошириш, янада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ва маҳсулот экспортини кенгайтириш учун самарали таъсир кўрсатади.

Солиқ юқини умумий иқтисодга эмас, ҳар бир корхонага бўладиган оғирлигини камайтириш устида йилдан-йилга қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Булардан энг сезиларли даражадагиси фойда солиғи ставкасини тушириб келиш ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, экспертлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юқини аниқлаш бўйича кўп услубиятлар мавжуд.

Биринчи услуб, унга мувофиқ барча тўланган солиқлар ва йиғимларнинг маҳсулот сотишдан тушумга нисбатининг фоиздаги ифодаси билан баҳоланади.

$СЮ = БТС * 100 / СТТ$, бунда:

БТС- барча солиқлар ва тўловлар йиғиндиси;

СТТ- сотишдан тушган тушум;

Иккинчи усул, корхонанинг солиқ юкини солиқ тўловларини янги яратилган қийматга нисбати каби аниқланади.

$ЯЯҚ = МХ + БТС + Ф$, бунда:

ЯЯҚ- янги яратилган қиймат; Ф- фойда;

БТС- барча солиқлар ва тўловлар йиғиндиси;

Учинчи усул, солиқ солингунга қадар солиқ юкки, яъни

$СЮ_{сскф} = Я_{куний} \text{ молиявий } \text{натижаларга} \text{ кирувчи } \text{солиқ} \text{ харажатлари/солиқ солингунга қадар фойда};$

Тўртинчи усул, корхона соф фойдасига бўлган солиқ юки.

$СЮ_{ксфб} = Соф \text{ фойдага кирувчи } \text{солиқ} \text{ чиқимлари/соф тақсимланмаган фойда};$

Солиқ юкини ҳисоблашнинг ушбу учинчи ва тўртинчи усули манимча биров нотўғридир, чунки агар корхона жорий йилда фойдага ёки соф фойдага эга бўлмаса, демак унга ҳеч қандай солиқ юкки мавжуд эмас деган фикр келиб чиқади.

Билвосита солиқлар корхоналар фаолиятига нейтрал (холис) позициядадир, деган назариядан келиб чиқиб, республикамизда уларни фискал аҳамиятига қараб катта эътибор берилмоқда. Солиқ солинадиган базаларни аниқлашда, солиқ суммасини ҳисоблашда, бюджетга ундирилишда, имтиёзлар беришда қатор камчиликлар мавжуд:

1. Булар қаторига қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлайдиган айрим корхоналар фаолияти хусусиятларини ҳисобга олмаслик ҳам киради. Айрим корхоналарда фақат ўз фаолияти натижасида яратилган қўшилган қийматгина солиққа тортилмай, балки маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган хом-ашё бўйича ҳам ҚҚС тўлаш;

2. Олинган даромадни эмас, кутилаётган даромадни солиққа тортиш;

3. Бирламчи эҳтиёжга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини солиққа тортиш ва ҳоказо.

Масалан, булар таркибида маҳсулотни етказиб бериш даврида ҚҚСнинг ҳисобланиши, ҳали келиб тушмаган маблағлар учун корхона хом-ашё материалларини ҚҚС тўламайдиган корхоналардан сотиб олган шароитда, айланма маблағлар ҳисобидан ҚҚСнинг тўланиши натижасида уларнинг (айланма маблағларнинг) бир қисми чекланишига олиб келмоққа. Жўнатилган товарлар учун маблағлар ўз вақтида келиб тушмаслиги натижасида ҚҚС бўйича боқиманда миқдорлари кўпайиши, боқиманда ҳисобидан пеня ҳисоблаб олинаниши, корхоналарнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Корхоналарни айланма маблағлари бошқа мақсадларга йўналтирилиши, ихтиёрида қоладиган соф-фойдани камайиши ҚҚСни ҳисоблаш усулини ўзгартиришни талаб қилмоқда. У ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ҚҚСни тўлаш мажбуриятини жўнатилган маҳсулот учун маблағ келиб тушган пайтда амалга оширилишни кўзда тутди.

Дунёда энг қадимий ва ривожланган мамлакатларда умумий солиқлар тушумини тахминан 1/3 қисмини ташкил қиладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳам талайгина муаммоларни ечишни талаб қилади. Давлат бюджет даромадини 2008 йилги режасида жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ салмоғи 12,7% дан иборат. Мамлакатимизда хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ушбу солиқли объектларини кенгайтириб, субъектларини кўпайтириб боради.

Солиқ тизимини такомиллаштириш борасида ресурс тўловларини ролини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва тартибга солиш, алоҳида солиқ турлари ва солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиққа тортишнинг умумий таркибидаги чекинишларни бартараф қилиш каби вазифалар турибди.

Мамлакатимизда солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш умуман иқтисодиётга ва алоҳида корхоналар бўйича солиқ юкини камайтириш солиқ тизимини айрим элементларини такомиллаштириш билан чегараланиб қолмайди.

Бу вазифаларни тўлиқ ечиш учун ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ўсиши ва аҳолини даромад даражасини янада кўтариш мақсадга мувофиқдир.

Юртбошимизнинг юқоридаги кўрсатмалари ва уларнинг амалга оширила бориши ҳамда солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб энди солиқ сиёсатининг узоқ йилларга мўлжалланган стратегиясини (5 йил) ишлаб чиқиб, расмий равишда тадбиркорларга ва жамоатчиликни етказиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунинг аҳамияти тадбиркорлар учун бениҳоят каттадир. Чунки улар ана шу сиёсатга қараб ўзларининг хилма-хил хўжалик шартномаларини тузиб оладилар ва келгуси ривожланишига ишончлари янада ортади.

Солиқларни иқтисодиётга таъсири нуқтаи назаридан тўғри ва эгри солиқларнинг роли хилма-хилдир.

Тўғри солиқлар - тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизмат бажарувчи корхоналарнинг, фуқароларнинг ўзи ишлаб топган даромадидан тўлайдиган солиқлардир. Бу ерда солиқ тўловчи даромадидан ёки мулкларидан қанча солиқ тўлашлигини ўзи аниқ белгилайди, ўзининг даромадидан тўлайди. Солиқ юкини бошқаларга ортиб юбориш ҳолати яққол кўринмайди. Тўғри солиқлар объектив реал солиқлардир. Шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасида тўғри солиқлар юкини юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича йилдан-йилга пасайтириб бормоқда.

Шуларга қарамасдан Республикамиз бюджет даромадида тўғри солиқлар салмоғи бизнинг фикримизча кам. Масалан, солиқ юкини камайтира бориш ҳисобга тўғри солиқларнинг бюджетга тушумини кўпайтира бориш (яъни бюджетдаги салмоғини) лозим. Бу ҳолат республикамизда иқтисодиётни ривожланаётганлигидан хабар беради. Ҳозирги кунда бюджет даромадида тўғри солиқлар салмоғи 38-40 фоиз атрофида. Шу кўрсаткични яқин йилларда 50

фоизга чиқариш масаласи қўйилиши лозим. Тўғри солиқлар тушумини кўпайтириш асосан тадбиркорликни ривожлантириш, янги корхоналар очиш, тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган ғовларни олиб ташлаш, шу жумладан хазинавий самара бермайдиган солиқларни бириктириш, бир хиллаштириш ҳамда тадбиркорлик юритиш учун эркин фаолият юритишга кенг йўл очиб бериш лозим. Тадбиркорлар сони ошса, фаолиятлари кенгайса кам сонли солиқлар орқали уларни ҳам хазинавий самарадорлигини ошириш имконияти яратилади ва иқтисодий ривожланишга замин тайёрлади.

Солиқлар тури кўп бўлгани билан бюджетга солиқлар кўп тушиб қолмайди, балки иқтисодиётдаги имконият даражасида тушади.

Солиқларнинг хазинавий самарадорлиги тамойили, уларнинг оддийлик тамойилини ҳам таъминлайди. Шунинг учун, бизнинг фикримизча ҳозирги корхоналарнинг 10-13 та солиқлар ўрнига асосан 4 ёки 5 та самарали солиқларни қолдириш иқтисодиёт ривожланишига сабаблардан бири бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эгри солиқлар маҳсулот (иш, хизмат) баҳоси, таърифи устига устама қўйиладиган, ҳақиқий тўловчиси, истеъмолчи, корхоналар ва аҳоли бўлган солиқлардир. Бу солиқлар маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволига нисбатан бетараф бўлган солиқлардир. Сиртдан қараганда бу солиқлар жуда жозибадор кўринади ва ҳақиқатда ҳам уларни ундириш осон. Шунинг учун бюджет даромадлари таркибида уларнинг салмоғи қарийиб 60 фоизга етиб бориши. Булар ичида ҚҚС ва акциз солиғи қарийиб бюджет даромадининг 50 фоизини ташкил этади.

ҚҚС ставкаси 1998 йилдан бери бир хил 20 фоизни ташкил этиб келмоқда. Бу солиқни тўламайдиган корхоналар, яъни соддалаштирилган солиқ тизимида ўтказилганлар анчагина ва 2007 йилдан бошлаб эса улар ҚҚС ни ихтиёрий равишда тўлай бошладилар. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

Аммо, ўзлари сотиб олган маҳсулотлар ва ишлар (хизматлар) бўйича ҚҚС тўлаб унинг суммасини ишлаб чиқариш харажатларига олиб борадилар ва молиявий қийинчиликка олиб борилади. ҚҚС моҳиятидан келиб чиқиб бу солиқни ҳамма юридик шахслар тўласа, ҳаммасида ҳам ҳисобга олиш ҳолати бўлади ва солиқ юки енгиллашади. Шу солиқни тўловчиларини кўпайтириш ҳисобига солиқ ставкасини биров пасайтириш лозим (масалан, 15 фоиз). Эгри солиқлар ставкасини пасайтирилиши товарлар (хизматлар, ишлар) сотишни тезлаштиради ва тўғри солиқлар тушумини оширади, корхоналарга мўлжалланган фойдани олиш имкониятини яратади.

Иқтисодий ривожланишимизнинг ҳозирги босқичи (ЯИМнинг ҳар бир кишига тақсимланиш миқдориغا қараганда) тўғри солиқлар билан эгри солиқлар нисбатини 50/50 фоизга, кейинчалик эса 55/45 фоизга етказишни талаб қилади. Бизнинг фикримизча ўтиш даври учун мўлжалланган бу нисбат бозор иқтисодиётига ўтишимизнинг гаровидир.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу диссертация ишимда Республикамиз солиқ тизимининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қилишга, шунингдек бугунги кунга ривожланиб бораётган солиқ тизимимиздаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб ҳаракат қилдим.

Айтиш жоизки, солиқ тизимидаги олиб борилаётган барча чора-тадбирлар мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштиришга, солиқ сиёсатини такомиллаштиришга, солиқ юкини пасайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни биз юқоридаги корхоналар мисолида келтирилган, таҳлил қилинган жадвал маълумотлари ҳамда улар бўйича берилган диаграммалар орқали ҳам кўриб чиқдик.

Бугунги кунда солиқ тизимидаги олиб борилаётган барча чора-тадбирлар мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштиришга, солиқ сиёсатини такомиллаштиришга, солиқ юкини пасайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Республикамизда 1998 йилда 24 тадан ортиқ солиқ турлари ва йиғимлар амал қилган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 12 тага қисқарди. Корхоналарнинг ўз топган даромадидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ ставкаси камайиб бормоқда. Корхоналар фойдасидан олинadиган солиқ ставкалар 38% дан 10% га туширилди. Худи шундан, ҚҚС 30% дан 20 % га, ягона ижтимоий тўлов 37% дан 24% гача камайтирилди.

Соҳаларни эркинлаштириш сиёсати 2008 йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Агар Республикамизнинг 2007 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларини баҳолайдиган бўлсак, ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ишлари давом эттирилди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,5 фоизни ташкил этгани ҳолда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1

фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси тасдиқланган параметрлар доирасида сақланган ҳолда, 6,8 фоизни ташкил етди. Жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркор субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 10 % дан 8% га камайтирилди. Банкларнинг даромад солиғи ставкаси 17% дан 15% га туширилди.

Кўриб ўтилган ривожланган давлатларнинг солиқ тизимлари хусусиятларини ва бугунги кунда юритилаётган солиқ сиёсатимизни ўрганиб чиққан ҳолда солиқ тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни ишлаб чидик:

- Бугунги кунда иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланадиган ва тўланадиган Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24%ни ташкил қилади ва бу тўлов кўпчилик корхоналар, хусусан микрофирма ва кичик корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юкининг асосий қисмини ташкил этади, шунинг учун иш ҳақининг пасайтириб кўрсатилишига сабаб бўлмоқда. Солиқ юкини пасайтириш ва иш ҳақи миқдорининг пасайтириб кўрсатилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ягона ижтимоий тўлов бўйича кичик бизнес субъектлари учун пасайтирилган ставка жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Францияда қимматли қоғозлар, қўчмас мулк ва бошқа мулкларни сотишдан олинган бир марталик даромадлар ҳам солиққа тортилади. Франция солиқ тизимидаги ушбу усулни бизнинг солиқ тизимимизда қўллаш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

- Япония мамлакати бюджет даромадларида солиқсиз тушумларининг улуши юқори. Ўзбекистонда бюджет даромадларининг 95-96% улушини солиқлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бизда аксинчалиги кўзга ташланади. Республикамизда ҳам солиқсиз тушумларнинг улушини аста-секинлик билан ошириб бориш солиқ юкининг ҳам пасайишига олиб келади.

- Японияда кенг тарқалган солиқ саводхонлиги профилактика ойлигини ташкил этиш тадбирларни мамлакатимизда ҳам ўтказиб бориш солиқ тўловчиларнинг солиққа оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғри англашларига ҳамда солиқлар бўйичав саводхонлик даражаси ошишига хизмат қилади.

- Бундан ташқари Японияда мерос ва совғага нисбатан солиқ мавжуд бўлиб, у бюджет даромадларининг 5%ни ташкил этади. Республикамизда ҳам қолдириладиган мерос ва совғадан олинадиган солиқни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиқларнинг базаларини такомиллаштириб бориш. Бунда асосий эътиборни солиққа тортишнинг халқаро даражадаги талабларига бир объектдан фақат бир марта солиқ олишни жара